

СОЛИҚ ва
БОЖЖОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 12 (1336) • 2020 йил 24 март

ISSN 2010-524X

✓ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

БИЗНЕС ВА АҲОЛИНИ ПАНДЕМИЯ ВАҚТИДА
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ*Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан иқтисодиёт тармоқларига коронавирус пандемияси ва глобал инқирозий ҳолатларнинг салбий таъсирини юмшатиш бўйича чоралар-тадбирлар тасдиқланди¹. Молия вазирлиги ҳужжатнинг асосий тезисларини келтиради.*

Молия вазирлиги ҳузурда 10 трлн сўм миқдордаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилади. Унинг маблағлари коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларга, тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлашга, жумладан инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтиришга йўналтирилади.

Шунингдек, мамлакатимиз Бош вазири бошчилигида Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси ташкил этилди. У юзага келадиган муаммоларни масалаларни тезкорлик билан ҳал қилади ва қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

Куйидаги чоралар белгиланган:

биринчидан, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича:

- 14 ёшга болалари бўлган оилаларга нафақа, бола 2

¹ Ҳужжат «Норма маслаҳатчиши» бугунги соҳида чоп этилмақда.

ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сонини 2020 йил 1 апрелдан бошлаб 10%га (595,4 мингдан 655 минггача) ошириш;

- 5482 нафар тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимлар коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинадиган даврда уларнинг ойлик лавозим маошига 6% миқдорда хар кунлик қўшимча тўловлар жорий қилинади. Мисол учун, шифокорлар хар куни қўшимча 160 минг сўмдан олишади;

- ўз фаолиятини тўхтатган давлат ўқув, спорт ва маданият муассасаларининг 1,040 млн нафар ходимлари иш ҳақларини ўз вақтида олишда давом этадилар;

- вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этишнинг соддалаштирилган тизими ташкил этилади;

- солиқ имтиёзлари ва уларни тўлашни кечиктириш имконияти тақдим этилади;

- жисмоний шахслар томонидан хайрия ташкилотларидан моддий наф тарзида олинadиган даромадларни солиққа тортишдан озод қилиш тақлифи таъқулланди;

2-бетда

КОРОНАВИРУС
ВАҲИМАСИГА
ҲОЖАТ ЙЎҚ:
ТОВАРЛАР
ЭКСПОРТИ
ВА ИМПОРТИ
ТЎХТАМАЙДИ*Дунё бўйлаб 160 дан ортиқ давлатда қайд этилган коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича Ўзбекистонда бир қатор чора-тадбирлар белгиланди.*

Жумладан, 2020 йилнинг 16 мартдан бошлаб давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида шахслар ва йўловчи ташувчи транспорт воситаларининг ҳаракати вақтинча тўхтатилди. Мазкур чекловдан сўнг жамоатчиликда Ўзбекистон Республикасидан товарлар экспорти ҳамда мамлакатга товарлар импорти тўхтатилгани, деган савол кун тартибига чиқди.

Мазкур масала юзасидан Давлат божжона қўмитаси томонидан зудлик билан баёнот берилди.

16-бетда

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ БЎЙИЧА
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР

2020 йил 24 февралда республикамизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХХС-га) ўтиш солиқмасининг янги саҳифасини очиб берадиган Президентнинг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарори эълон қилинди.

Айни пайтда МХХСга ўтиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишига қарамадан, у бўйича кадрларни тайёрлаш тизимининг мавжуд эмаслиги сабабли бухгалтерия ҳисоби БҲМСга мувофиқ юритилмоқда. Шу билан бирга, амалдаги молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва эълон қилиш шунчаки расмийлик хусусиятига эга бўлиб, ахборот сифатини камайтиради ва фойдаланувчиларни халқаро талабларга мос келадиган ишончли ахборотлар билан таъминлаш имкониятини чеклайди.

Халқаро стандартларга ўтиш бухгалтерия ҳисобининг жаҳон амалиётидаги глобал тенденциялар билан боғлиқ. Халқаро стандартлар асосида тайёрланган молиявий ҳисобот халқаро бизнес тили сифатида тан олинади. МХХС молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг барчаси учун тушунарли бўлган маълумотлардан шаклландган бизнес тилида мулоқот қилиш имкониятини яратди.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунда бухгалтерия ҳисоби субъектлари молиявий ҳисоботни халқаро стандартларнинг қонун ҳужжатла-

рида белгиланган тартибда қўллаши мумкинлиги ҳам белгиланган. Айрим корхоналар эса йиллик молиявий ҳисоботни МХХСга мувофиқ эълон қилиш ва уни Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) асосида ташқи аудитдан ўтказишга мажбурдирлар.

Бу Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Президентнинг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сон Фармони, 2019 йил 3 мартдаги «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвести-

циявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4265-сон ва 2019 йил 17 январдаги «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4124-сон қарорлари билан назарда тутилган.


Таъкидлаш керакки, айрим акциядорлик жамиятлари (банклар, суғурта ташкилотлари, йирик солиқ тўловчилар) шартнома асосида аудиторлик ташкилотларини жалб қилган ҳолда БҲМС асосида тайёрланган молиявий ҳисоботни МХХСга мувофиқ трансформация қилишади. Мос равишда мазкур ҳолатда кўпгина акциядорлик жамиятлари МХХСга мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва эълон қилиш талабларини тўлиқ ҳажмда бажармайди.

Охириги йилларда бухгалтерия ҳисобининг 22 та миллий стандартлари (БҲМС), шу жумладан

3-бетда

Дунё бўйича 144 та мамлакатда, жумладан Европа ва МДХ давлатларининг кўпчилигида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи миллий тизимини ислоҳ этишида асосий инструмент сифатида МХХС қабул қилинган. МХХС ягона стандартларини ишлаб чиқарган ва тасдиқлайдиган халқаро тақли ташкилот ҳисобланган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари фонди (МХХС фонди, IFRS Foundation) бўлиб, МХХС унинг Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши (ХБСК, IASB) томонидан ишлаб чиқилади. ХБСК 1973 йилда ташкил этилган ва унинг бош қароргоҳи Лондонда жойлашган. У молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланиладиган бир қатор стандартларни ишлаб чиқади, айни 2019 йил ҳолатида бухгалтерия ҳисобининг 29 та халқаро стандартлари (IAS) ва 16 та молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS) амалиётда қўлланиб келинмоқда. 2001 йилгача ХБСК томонидан чиқарилган стандартлар IAS ва ўша йилдан кейин чиқарилган стандартлар IFRS деб номланадиган бўлди. Шунга қарамай, ҳозирги вақтда IFRS ибораси одатда ҳар иккала номда (IAS ва IFRS) ҳам қўлланилади.

БИЗНЕС ВА АҲОЛИНИ ПАНДЕМИЯ ВАҚТИДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ



Иккинчидан, ишлаётган фукарларни қўллаб-қувватлаш бўйича:

- карантинга жойлаштирилган шахсларга иш ўрни ва ўртгача ойлик иш ҳақининг сақланиши кафолатланади;
- иш бевувицларга коронавирус инфекцияси билан зарарланган ёки карантинга жойлаштирилган боланинг ота-онасини ишдан бўшатиш таққикланади;
- болалар боғчалари тарбияланувчилари ва бошланғич синфлар ўқувчиларининг ота-оналарига карантин вақтида таътил тақдим этилади;
- карантинга жойлаштирилган ота-оналар ва уларнинг болаларини парвариш қилаётган шахсларга ўртгача ойлик иш ҳақининг 100%и миқдорда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади;
- ходимларни, айниқса ҳомилидор аёллар, кексалар, имконияти чекланган ҳамда сурункали касалликка чалинган шахсларни сомафадан туриб ишлаш усулига, қулай иш графигига ёки уйдан туриб ишлашга ўтказишга руҳсат берилади;
- учинчидан**, озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича:
- харид қилиш ва захирасини шакллантириш учун озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати ва ҳажмларини аниқланади;
- истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ресурслари ҳажмларини мониторинг қилиш жорий этилади;
- ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларининг бозорлардаги нархлари устидан кунлик

мониторинг ўтказилади ҳамда уларнинг нархларини сунъий оширишга йўл қўймаслик устидан қатъий назорат ўрнатилади;

тўртинчидан, иқтисодий, айниқса тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича:

- йил охиригача солиқ аудитига мораторий ўрнатилади;
- юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича 6 ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тақдим этилади;
- 2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача бўлган даврда яққа тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммаси БҲМнинг 100%идан БҲМнинг 50%ига қадар (223 миң сўмдан 111,5 миң сўмгача) камайтирилади;
- кишлок ҳўжалигидаги ерларни суғориш учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 50%га пасайтирилади;
- 1 октябргача бўлган даврда ташки савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун ҳўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилади;
- жисмоний шахслар томонидан мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш муддати 15 апрелдан 15 октябрга қадар узайтирилади;
- 2019 йил учун жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш муддати 1 апрелдан 1 августга қадар узайтирилади;

• туристик (меҳмонхона) йигимини ҳисоблаш 1 апрелдан 1 июлгача бўлган даврда тўхтатилади;

- бешинчидан**, экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича:
- тадбиркорларга нисбатан жарима санкцияларини олдини олиш учун форс-мажор ҳолатлари келиб чиққанлиги ҳақида расмий хабарнома эълон қилинади;
- тадбиркорларга йиллик умумий экспортга нисбатан 10%дан ошмаган муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда, кафолатланган тўловни таъминламасдан товарлар экспортини амалга оширишга руҳсат берилади;
- олтинчидан**, молиявий барқарорликни қўллаб-қувватлаш бўйича:
- банклар хусусий секторга айланма маблағларни тўлдириш учун 30 трлн сўмгача қайта тикланган револьвер кредитлар тақдим этади;
- банклар туристик, меҳмонхона, транспорт-логистика компанияларига, хусусий таълим ташкилотларига, умумий овқатланиш корхоналарига ва молиявий кийинчиликларга дуч келган бошқаларга ажратилган кредитлар бўйича умумий суммаси 5 трлн сўмлик қарздорликларни тўлаш бўйича 1 октябрга қадар кечиктириш тақдим этади;
- 2020 йил 1 июнга қадар тижорат банклариде кредит портфелини стресс-тестдан ўтказиш ва активлар сифатини баҳолаш амалга оширилади.

mf.uz сайти материали асосида тайёрланди.

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

КРЕДИТ ҚАРЗИНИ МОЛ-МУЛК БИЛАН СЎНДИРИШ

Корхонанинг (МЧЖ, айланмадан олинадиган солиқ тўловчи) банкдан кредит бўйича қарзи бор. Унинг балансида 150 млн сўмлик баланс (қолдиқ) қийматида эга бўлган бино мавжуд. Бино баҳоланганда уни 8,5 млрд сўмга баҳолашди. Банк МЧЖнинг шу суммадаги қарзини бир вақтнинг ўзида сўндириш билан 8,5 млрд сўмлик бинони қабул қилди. МЧЖда асосий воситанинг чиқиб кетиши ва 8,5 млрд сўмлик банкка қарзни сўндириш содир бўлди.

Бу ҳолда корхонада айланмадан олинадиган солиқ бўйича мажбуриятлар юзага келадими?

– Ҳа, солиқ оқибатлари юзага келади.

Асосий восита кредиторлик қарзини сўндириш ҳисобига чиқиб кетганда молиявий натижа асосий восита реализация қилинганда бўлганидек тартибда аниқланади.

Асосий воситаларнинг реализация қилинишидан кўриладиган молиявий натижа (фойда ёки зарар) ҚҚС (ҚҚС тўловчилар учун) ва қайта баҳолаш натижалари (сальдо) миқдорларида тузатиш киритилган реализация бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда реализациядан тушум ва қолдиқ (баланс) қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади (Низомнинг 24-банди, АВ томонидан 29.08.2004 йилда 1401-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Сизнинг ҳолатда АВ 8,5 млрд сўм – қарз суммасига тенг нарх бўйича берилмоқда (реализация қилинмоқда), тегишли равишда, мазкур сумманинг ўзи молиявий натижани ҳисоб-китоб қилишда тушум ҳисобланади. Тушумга қолдиқ қиймат, реализацияга доир харажатлар ва қайта баҳолаш сальдоси бўйича тузатиш киритгач, айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ солинадиган базани ҳосил қиласиз.

Бу ўринда шуни ҳисобга олингки, солиқ даври давомида жами даромади 1 млрд сўмдан ошган солиқ тўловчилар бундай ошмиш рўй берган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтади (СК 462-м. 9-қ).

Замира ЖўРАЕВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Корхона бир неча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Улардан бир тури – истеъмолчиларга реализация қилинадиган полиэтилен плёнка. Шу билан бирга полистилен плёнканинг бир қисми корхонанинг бошқа бўлинмасига берилади, бу ерда ундан биз томондан ишлаб чиқариладиган бошқа турдаги маҳсулот ўрови сифатида фойдаланилади. Мазкур бўлинма алоҳида юридик шахс эмас, у корхонанинг таркибига қиради. Полистилен плёнка корхонанинг бошқа бўлинмасига берилганда ишлаб чиқарилган ушбу маҳсулотимизга ҚҚС ҳисобланадими?

ТМЗ ИЧКИ АЙЛАНГАНДА ҚҚС ҲИСОБЛАШ

– ҚҚС солиш мақсадида товарларни реализация қилиш бўйича айланма нималардан иборат эканлиги СКнинг 239-моддасида кўрсатилган. Мазкур айланма солиқ тўловчи томонидан товарларни, сизнинг вазиятда полистилен плёнкани четга беришни назарда тутди. Бунда товар баланسدан ҳисобдан чиқарилади.

Корхонада ишлаб чиқарилган полистилен плёнка мустикал юридик шахс бўлмаган алоҳида бўлинмангизга ишлаб чиқараётган бошқа турдаги маҳсулотингиз учун ўров материали сифатида берилганда ТМЗнинг ички айланиши юз беради. Мазкур ҳолда ҚҚС ҳисобланмайди.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

УШБУ СОНДА:

• ДОЛЗАРБ МАВЗУ

– Бизнес ва аҳолини пандемия вақтида қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди
1-бет

• МҲХСИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛИДА

– Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар
1, 3-бетлар

• ЖАВОБ БЕРАМИЗ

– Кредит қарзини мол-мулк билан сўндириш

– ТМЗ ички айланганда ҚҚС ҳисоблаш
2-бет

• СОЛИҚ СОЛИШ

– УФ камайтирилган бўлса...
– Кредит фоизаларини компенсациялаш
– Болани парваришлаш нафақаси ва ундан солиқ

• МОЛИЯВИЙ ҚАРЗНИ СЎНДИРИШ

– Молиявий қарзни сўндириш
4-бет

• ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

– «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

– «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» (Кўчирма);

– «2020-2021 йилларда ички ва ташки бозорларда хариддоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»

5-8-бетлар

• БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР

– МЧЖ устав фондини ўзгартириш тартиби
9-12-бетлар

• БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

– 2020 йилнинг март ойи учун жис-

моний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ва бошқа мажбурий бадаллар ҳисоб-китоби услубияти
13-14-бетлар

• БОЖХОНА

– Ошиб кетса – ЯБТ тўлайсиз
– Республикада реализация қилинганда имтиёзлар сақланади
– Посилкалар учун меъёрлар
– Коронавирус ваҳимасига ҳожат йўқ: товарлар экспорти ва импорти тўхтамайди
– Яширин айланма – хавфли «операция»
15-16-бетлар

Таҳририй аномим хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташкир ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davly nashriati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР

1-бетда

молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг Концептуал асослари ҳам тасдиқланиб, рўйхатга олинган. Бундан ташқари, бухгалтерия ҳисобининг алоҳида жиҳатларини тартибга солувчи 30 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилмоқда. Бироқ молиявий кўрсаткичларнинг шаффофлиги, ишончлилиги, таққосланувчанлигини айнан МҲХС таъминлайди ҳамда хорижий инвесторлар учун тушунарли бўлган молиявий ахборотни беради.

МҲХС тизимли жорий этилишини таъминлаш мақсадида Молия вазирлиги МҲХСни жорий этиш жараёни мувофиқлаштирувчи ва мониторингини амалга оширувчи ваколатли орган этиб белгиланди.

Илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ва мазкур соҳада кадрларни тайёрлашнинг замонавий усулларини босқичма-босқич жорий этишнинг «Йўл харитаси» тасдиқланди. У 18 та чора-тадбирларни қамраб олган, шу жумладан хўжалик субъектлари эълон қиладиган молиявий ҳисоботлар сифатини халқаро принципларга мувофиқлиги назоратини ўтказишга йўналтирилган.

Учта муҳим йўналиш

1. МҲХСни жорий этиш жараёни тизимлаштириш ва унинг натижадорлигини ошириш

2021 йил 1 январдан бошлаб акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобининг юритилишини ташкил этади, бундан қонун ҳужжатларида МҲХСга ўтишнинг олдинроқ муддатлари назарда тутилган корхоналар муастасно.

Бугунги кунда республикамизда 587 та акциядорлик жамиятлари, шу жумладан 30 та тижорат банки, 41 та суғурта ташкилоти ва 779 та йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар (шундан 141 та акциядорлик жамияти) фаолият юритадилар. Мазкур юридик шахсларда МҲХСни жорий этиш ва эълон қилинадиган молиявий ҳисобот сифатининг ташкил назоратини амалга ошириш бирламчи вазифалардан ҳисобланади.

2021 йил якунига қадар акциядорлик жамиятлари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар бухгалтериялари бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида «МҲХС бўйича молиявий ҳисобот» фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд куйидаги:

«Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CPA)»;

«Сертификатланган дипломли бухгалтер (ACCA)»;

«Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)»;

«Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR)» сертификатларидан бирига эга бўлган уч нафар мутахассисдан кам бўлмаган миқдорда МҲХСни сифатли қўллаш учун етарли бўлган бухгалтерия хизмати ходимлари билан таъминланиши керак.

2020 йилдан бошлаб Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан юқорида кўрсатилган юридик шахслардан ташқари устав фондидан давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналари ҳам МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашга ўтиш жадвалини ҳар йили тасдиқлаш ва 1 июнга қадар расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминлаши белгиланган.

МҲХС матнини давлат тилига таржима қилиш белгиланган бўлиб, бунинг учун МҲХС фонди билан битим тузилиши лозим. Давлат тилидаги МҲХС матнлари тушунтиришлар билан талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳуқуқлари бўйича МҲХС фонди билан келишувга мувофиқ Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Шунингдек, 2020 йил 1 октябрга қадар Давлат солиқ қўмитаси солиқ ҳисоботи шаклларини МҲХСга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларга мослаштирилган ҳолда ишлаб чиқиши назарда тутилган.

2. Кадрларни тайёрлаш ва олий таълимнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим йўналишлари сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар

МҲХС соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг илғор тажрибаларини омдалаштириш, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича нодавлат таълим ташкилотларини (аккредитациядан ўтган ўқув марказлари) ҳамда соҳага оид олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич аккредитациядан ўтказиш бўйича бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар (Сертификатланган дипломли бухгалтерлар халқаро ассоциацияси (Association of Chartered Certified Accountants – ACCA) ва бошқалар) билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш МҲХСга ўтишда уни сифатли қўллашнинг заруратидан келиб чиқади.

Шу билан бирга Молия вазирлиги томонидан ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаси асосида ўқув жараёнининг сифатини, имтиҳонларини ўтказиш ва натижаларини баҳолашнинг шаффофлигини таъминловчи МҲХС бўйича сертификатлашнинг самарали тизимини жорий этиш, шунингдек, МҲХС соҳасида талаб юқори бўлган мутахассисларни аккредитациядан ўтган ўқув марказларида ўқитиш бўйича ташкилий тадбирларни амалга оширишда ҳар томонлама қўмаклашни вазифаларини амалга ошириши белгиланган.

2021 йилдан бошлаб МҲХС ва АХСни ўқитиш фақат бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотдан аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида назарда тутилмоқда. Бундай аккредитациядан ўтган ўқув марказлари МҲХС ва АХС бўйича ўқитиш ва малака ошириш фаолиятини лицензияланадиган фаолият турларини амалга ошириш бўйича қонунчиликда назарда тутилган талабларга амал қилиш шарти билан, тегишли лицензия олмасдан амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

2020 йил 1 августга қадар бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича МҲХСни чуқур ўрганиши назарда тутовчи янгиланган ўқув дастури тасдиқланиши ва ўқув жараёнига жорий этилиши лозим.

2020 йилдан тажриба олий таълим муассасалари, дастлабки босқичда – Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Фарғона политехника институтининг ўқув дастурлари бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро аккредитациядан ўтказилди ва кейинчалик мазкур тажриба лойиҳаси босқичма-босқич республикадаги соҳага оид бошқа олий таълим муассасаларига жорий этилади. Бу эса олий таълим тизими сифатини, хусусан олий таълим муассасаларининг халқаро миқёсдаги рейтингини янада оширади.

2021 йил 1 январга қадар «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича педагог ходимларнинг аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича ўқитилади. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб эса тажриба олий таълим муассасаларида мазкур бухгалтер сертификатига эга бўлган ўқитувчилар томонидан ўқитилади.

Халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган талабдорларга олий таълим муассасалари магистратурасининг «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» мутахассисликларига тўлов-контракт асосида кириш имтиҳонларини топширмасдан қабул қилиниш ҳуқуқи берилмоқда.

Бундан ташқари, Молия вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашнинг халқаро амалиётини ўрганиш натижалари бўйича «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» бакалаврият таълим йўналишининг кундузги ўқув шакли муддатини қисқартириш имконияти, шунингдек, бухгалтерларни миллий сертификатлаш тизимини жорий қилишнинг мақсадаги мувофиқлигини кўриб чиқиш юзасидан топшириқлар берилган.

3. Мутахассисларни МҲХС бўйича бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида ўқитишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

2020-2025 йиллар давомида аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича ўқитиш, малакани ошириш, интерактив усулларни қўллаган ҳолда ўқитиш, шунингдек, бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида дастлабки рўйхатдан ўтиш ва имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш харажатлари республика бюджетидан қўйидаги тартибда молиялаштирилади:

а) олий таълим муассасаларининг буюртмалари бўйича:

- «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича педагог ходимлар имтиҳон топшириши учун биринчи уринишга – тўлиқ ҳажмда, иккинчи уринишга – имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорда қопланади;


- олий таълим муассасаларининг талабалари ва битирувчилари учун улар (туғатгандан сўнг олти ой давомида) имтиҳонни муваффақиятли топширган тақдирда тўлиқ ҳажмда, иккинчи уринишга имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорда қопланади;

б) давлат органлари буюртманомасига асосан уларнинг ходимларига имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш суммаси биринчи уринишга тўлиқ ҳажмда, иккинчи уринишга 50 фоизда қопланади.

Бунинг учун Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва бошқа манфаатдор давлат органлари ходимларини аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича ўқитиш жадвалини, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасалари «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича педагог ходимларини аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича тезлаштирилган ўқитиш жадвалини ҳар йили тасдиқлайди.

Худойберган ОРТИҚОВ,

ЎЗР Молия вазирлиги Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубияти бошқармаси бошлиғи.



УФ КАМАЙТИРИЛГАН БЎЛСА...

? КҚС тўловчи хусусий корхона УФни 1 500 000 000 сўмга қўнай-тирган. Корхонанинг устав фонди бунга қадар 50 308 000 сўмни ташкил этган. Кейинчалик ягона муассис (100% улўшга эга) ўз ҳиссасини 1 500 000 000 сўмга камайтирмоқчи бўляпти. Устав фонди камайтирилганда ташкилотда ва ягона муассис – жисмоний шахсда қандай солиқ оқибатлари юзага келади?

– Пул маблағларини муассис томонидан илгари киритилган ҳисса ҳисобига тўлаш орқали устав фондининг камайтирилиши корхона учун ҳам, унинг муассиси учун ҳам ҳеч қандай солиқ оқибатларини келтириб чиқармайди. Ушбу операция жамият ва унинг муассиси томонидан фойда олиниши ва шу тариқа солиқ базасининг ҳосил бўлишига олиб келмайди.

Муассасига устав фондини камай-тириш ҳисобига корхона балансида ҳисобда турган ТМК берилётган

бўлса, бундай операция фойда соли-ғи солиш мақсадларида реализация қилиш ҳисобланади, ундан олинган даромадлар жами даромадга қўши-лади (СК 46, 297-м.).

Шунингдек берилётган товар-лар СКнинг 243-моддасида белги-ланган рўйхатга биноан ҚҚСдан озод этиладиган товарлар ҳисоб-ланмаса, товарларни бериш бў-йича айланмага 15%лик ставка бўйича солиқ солинади (СК 239, 4-қ. 3-б, 258-м.).

КРЕДИТ ФОИЗЛАРИНИ КОМПЕНСАЦИЯЛАШ

? 2019 йилда компания ҳам ашё сотиб олиш учун кредит олди. Президентнинг 24.05.2019 йилдаги ПҚ-4337-сон қарорига муво-фиқ кредит бўйича фоизларнинг бир қисми бизларга кредитлар бўйича фоизларни қоплаш учун компенсация бериш орқали ЎзР ВМ ху-зуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси то-монидан қопланади.

Фоизларни бундай қоплаш корхона учун даромад ҳисобланадими? Бун-да қандай солиқ оқибатлари юзага келиши мумкин ва бухгалтерия ҳи-собида қайси проводкалар билан акс эттириш лозим?

– Ҳа, бундай қоплаш фойда со-лиғи солинадиган даромад деб эътироф этилади. Вазирлар Мах-камаси хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш дав-лат жамғармаси томонидан экспорт қилувчиларга фоиз харажатларини, шу жумладан оборот маблағлари-ни ЎзР МБнинг қайта молиялаш-тириш ставкасига қадар тўлдириш учун берилган маблағларни қоплаш учун компенсация тақдим этилади. Унинг миқдори миллий валютада-ги кредитлар бўйича 10 фоиз пункт-ни ва тижорат банклари томонидан белгиланган ставканинг 40%ини, бироқ хорижий валютада берилган кредитлар бўйича 4 фоиз пунктни ташкил этади (24.05.2019 йилдаги ПҚ-4337-сон қарор).

Чикимларнинг (харажатларнинг) ўрнини қоплаш учун ЎзР Давлат бюджетидан олинган маблағларнинг

суммалари илгари чегириб таш-ланган харажатларнинг ёки зарар-ларнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромадлар жумласига киритилади (СК 301-м. 1-қ. 2-б.). Фойда солиғи-ни солиш мақсадларида бундай даро-мад жами даромадга қўшилади (СК 297-м. 3-қ. 14-б.). Олинган компен-сация у қайси ҳисобот (солиқ) дав-рида олинган бўлса, ўша ҳисобот (солиқ) даврининг даромади бўла-ди (СК 301-м. 2-қ.).

Фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация ҳисобига пул маблағла-рининг келиб тушиши бухгалтерия ҳисобида қуйидаги проводкалар би-лан акс эттирилади:

Дт 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Кт 9390-«Бошқа операцион даро-мадлар».

Замира ЖўРАЕВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

БОЛАНИ ПАРВАРИШЛАШ НАФАҚАСИ ВА УНДАН СОЛИҚ

? 2019 йилда корхона ходимага ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси-ни, бола туғилганда бериладиган нафақани, болани 2 ёшгача пар-варишлаш бўйича нафақани тўлади.

2019 йилда фойда солигини ҳисоблашда ушбу нафақалар солиқ солина-диган базадан чегириб ташланганми?

– 2019 йилда ҳомиладорлик ва ту-ғиш нафақаси, бола туғилганда бе-риладиган нафақа, 2 ёшгача болани парваришлаш нафақаси жимоний шахснинг бошқа даромадлари ҳи-собланган ва уларга ЖШДС солин-маган (2007 йилги тахрирдаги СК 178-м. 1-б., 179-м. 20-б.).

2019 йилда фойда солигини ҳи-соблаб чиқаришда ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси, шунингдек 2 ёшгача болани парваришлаш на-фақаси чегириладиган харажатлар ҳисобланган (2007 йилги тахрирда-ги СК 145-м. 49-б.).

Бола туғилганда бериладиган на-фақа, яъни суюнчи корхона хаража-ти ҳисобланмайди. У Пенсия жам-ғармасининг маблағлари ҳисобидан тўланади. Корхона ариза асосида на-фақа суммасини олади ва ходимага тўлайди. Бинобарин, ушбу нафақа-ни тўлаш фойда солиғи бўйича со-лиқ оқибатларини келтириб чи-қармайди.



МОЛИЯВИЙ ҚАРЗНИ СЎНДИРИШ

? 2019 йилда соддалаштирилган КҚСни тўловчи корхона якка тар-тибдаги тадбиркорга 63 млн сўм миқдорида қисқа муддатли фоиз-сиз молиявий қарз берган. Ана шу якка тартибдаги тадбиркор хорижий корхонадан экскаваторни бепул олди. Божхонада тозалашда 56 млн сўм КҚС, бошқа божхона божлари ва йиғимлари бўйича 14 млн сўм тўлади. Божхонада экскаватор 23 млн сўм қийматида баҳоланди. Сўнгра якка тартибдаги тадбиркор қарзини сўндириш ҳисобига экска-ваторни қарз берувчига бериб юборди. Корхона экскаваторни асосий восита сифатида қирим қилди. Якка тартибдаги тадбиркор экскаватор-ни олган ва қарз берувчига берган пайтида КҚС тўловчи бўлмаган.

1. Қарзни сўндириш ҳисобига якка тартибдаги тадбиркордан олинган экскаватор қийматини қандай тўғри шакллантириш мумкин?
2. Қарз берувчи қарз олувчи томонидан божхонада тўланган КҚСни ҳи-собга олиши мумкинми?
3. Ушбу операция қарз берувчининг бухгалтерия ҳисобида қандай акс эт-тирилади?

1 Корхона якка тартибдаги тадбиркорга молиявий қарз берган. Бундан кейин томонлар қарз экскаваторни бериш орқали қайтарилиши тўғри-сидаги новация шартномасини тузиши лозим (ФК 347-м.). Бунда томонлар экскаваторнинг нархини келишиб оладилар ва нарх келишуви баённомаси-ни расмийлаштирадилар. У шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади. Келишилган нарх қарз олувчи томонидан экскаваторни харид қилишда тў-ланган суммадан фарқ қилиши мумкин.

2 Қарз берувчига экскаваторни КҚС тўловчиси бўлмаган қарз олувчи як-ка тартибдаги тадбиркор берган. У экскаваторни КҚС билан бера ол-майди. Қарз олувчи томонидан божхонада тўланган солиқ суммасини қарз берувчи соддалаштирилган КҚСни тўловчи сифатида ҳисобга ки-рита олмайди. Бу қарз олувчининг харажати ҳисобланади ва қарз берув-чига тааллуқли бўлмайди.

3 Қарз берувчининг бухгалтерия ҳисобида молиявий қарз берилиши ва кейинчалик қарзни сўндириш ҳисобига асосий воситанинг келиб ту-шиши қуйидаги бухгалтерия проводкалари билан расмийлаштирилади:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Молиявий қарз берилди	5830-«Берилган қисқа муддатли қарзлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Экскаваторни (АВ) қабул қилиш-топшириш орқали қарз сўнди-рилди	0820-«Асосий восита-ларни харид қилиш»	5830-«Берилган қисқа муддатли қарзлар»
Экскаватор (АВ) фойдаланишга топширилди	0160-«Транспорт во-ситалари»	0820-«Асосий восита-ларни харид қилиш»

Азизахон ТОШЎЖАЕВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

логия соҳасидаги масалаларни ҳал этишда мунтазам ва ҳар томонлама кўмаклашсин, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг техник паркани жиҳозлаш ва модернизациялаш, шу жумладан Дастурга киритилган лойиҳалар бўйича маслаҳатлашувлар ўтказилишини тизимли равишда таъмин этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси турдош олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда тармоқ ва ҳудудий корхоналарга ички ва ташқи бозорларда харидоригр маҳсулотларни, биринчи навбатда, Дастурга киритилган лойиҳалар доирасида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун замонавий илғор илмий ишланмалар ҳамда янгиликларни жорий қилиш ишларида мунтазам маслаҳатлар берсин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Дастурга киритилган ташиқотларга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг хулосаларига асосан маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар (хизматлар) рекламасини жойлаштиришда 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда чегирмалар бериш тавсия қилинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб тасдиқласин ҳамда бунда уларнинг фаолиятини ички ва ташқи бозорларда харидоригр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасидаги мақсадли кўрсаткичларга эришишга асосланган замонавий баҳолаш тизимини жорий этишни назарда тутсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг саноат ва кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси Б.А.Хўжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 10 март
136-сон.

ЎзР ВМнинг
2020 йил 10 мартдаги 136-сон қарорига
1-ИЛПОВА

Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг прогноз ПАРАМЕТРЛАРИ

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2020-2021 йилларда (прогноз)	шу жумладан:	
				2020 йилда (прогноз)	2021 йилда (прогноз)
1.	Лойиҳалар сони, шундан:	бирлик	2 371	1 066	1 305
	тармоқларда		906	383	523
	ҳудудларда		1 465	683	782
2.	Ишлаб чиқариш ҳажми, шундан:	трлн сўм	30,3	9,8	20,5
	тармоқларда		20,7	5,8	14,9
	ҳудудларда		9,6	4,0	5,6
3.	Импорт ўрнини босиш самарадорлиги, шундан:	млрд долл.	3,1	1,0	2,1
	тармоқларда		2,2	0,6	1,6
	ҳудудларда		0,9	0,4	0,5
4.	Экспорт ҳажми, шундан:	млн долл.	351,6	77,5	274,1
	тармоқларда		244,6	33,2	211,4
	ҳудудларда		107,0	44,3	62,7

РЕКЛАМА

ORMA

«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Та.в.имаржон кўч., 1/1.

Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

– «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОЛЛАРИ:

– «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» (Кўчирма);

– «2020–2021 йилларда ички ва ташқи бозорларда харидоригир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Қурилиш соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, бюрократик тўсиқларни камайтириш, инновацион гоялар, ишланмалар ва илгор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, қурилишнинг барча босқичларида шаффофлиқни таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2028 йил 31 декабрга қадар шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатидан тартибга солишга доир миллий норматив ҳужжатлар билан бир вақтда, шу жумладан лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш босқичида 1-иловада келтирилган ҳорижий норматив ҳужжатлар қўлланишига рухсат этилади:

маҳаллий лойиҳа-қидирув ташкилотларини жалб этган ва миллий норматив ҳужжатларга номуносаб бўлган қисмлар учун компенсацияловчи чораларни таъминлаш бўйича махсус техник шартларни ишлаб чиққан ҳолда, ҳорижий норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларининг мослаштирилиши;

зарур ҳолларда мослаштирилган лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш учун ваколатли орган томонидан жалб қилинган мустақил ҳорижий мутахассислар ва консултантлар хизматлари учун тўлов харажатлари, ушбу ҳужжатларни кўриб чиқиш натижаларидан қатъи назар, буюртмачи (инвестор) томонидан қопланиши;

б) 2020 йил 1 июлдан:

солиқ ва статистика ҳисоботлари маълумотлари (иш тажрибаси, ходимлар, шу жумладан малакали мутахассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар ва тўланган солиқлар, иш ҳақи тўлаш фонди ва бошқа мезонлар) асосида автоматик тарзда шаклланидиган лойиҳа-қидирув ташкилотларининг электрон рейтингни жорий этилади;

в) 2020 йил 1 сентябрдан:

солиқ ва статистика ҳисоботлари маълумотлари (иш тажрибаси, ходимлар, шу жумладан малакали мутахассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар ва тўланган солиқлар, иш ҳақи тўлаш фонди ва бошқа мезонлар), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги

ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси маълумотлари (қурилиш тугалланган объектлар ҳажми, шаҳарсозлик қонунчилигини бузиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисидаги бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ижроси ҳамда бошқа мезонлар) асосида қурилиш ишлари ҳажмлари ва объектларига мувофиқ табақалаштирилган ҳолда автоматик тарзда шакллантириладиган қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингни жорий этилади;

г) 2021 йил 1 январдан:

қурилиш соҳасидаги давлат харидлари доирасида харид тартиб-таомиллари, лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг харид тартиб-таомилларида белгиланган малака талабларига мувофиқлигини баҳолашда уларнинг электрон рейтингни маълумотларидан фойдаланиш ва бошқа электрон тизимлар билан интеграциялаш имкониятини ҳисобга олган ҳолда, электрон шаклда онлайн режимда амалга оширилади;

қурилиш соҳасида ўтказиладиган давлат харидларида электрон рейтингларга киритилган ва тегишли мезонлар (иш тажрибаси, молиявий барқарорлиги, штатида малакали ходимларнинг мавжудлиги ва бошқа мезонлар) бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг иштирок этишига йўл қўйилади;

давлат харидларида иштирок этиш учун рухсат беришда электрон рейтингларга киритилган ва тегишли мезонлар бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг дастлабки малакавий баҳолашдан ўтиши, шунингдек, танлов (тендер) ҳужжатларининг умумий ва техник қисмларини тақдим этиши талаб этилмайди;

давлат буюртмачилари ва давлат харид субъектлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари комплекс экспертиза ўтказиш учун белгиланган муддатларда энергия самарадорлиги талабларига мувофиқлиги бўйича мажбурий тартибда экспертизадан ўтказилиши шарт;

қурилиш соҳасидаги давлат харидлари доирасида харид

*Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 14.03.2020 йилдан кучга кирди.

тартиб-таомилларида голиб деб топилган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари ишлар (хизматлар) нарҳининг камида ўттиз фоизини ўз кучи билан бажариши бўйича талаб жорий этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Тошкент шаҳрида хусусий тадбиркорлик субъектларини бурютмачи функциясини бажаришга жалб қилиш бўйича эксперимент (кейинги ўринларда – эксперимент) ўтказиш тўғрисидаги қуйидагиларни назарда tutувчи тақлифга розилик берилсин:

Тошкент шаҳрида 2021–2022 йилларда лойиҳалаштирилиши ва қурилиши режалаштирилган 10 та қурилиш объектини танлаб олиш;

энг яхши тақлифларни танлаб олиш натижаларига кўра хусусий тадбиркорлик субъектлари билан инжиниринг хизматларини кўрсатиш (шу жумладан техник назорат ва лойиҳа бошқаруви) юзасидан шартномалар имзолаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан экспериментда иштирок этувчи қурилиш объектлари ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатининг тасдиқланиши.

Белгилаб қўйилсинки, эксперимент танлаб олинган объектларнинг қурилиш-монтаж ишлари яқунлиниб, улар фойдаланишга топширилгунига қадар амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги қошида давлат муассасаси шаклида Қурилишда техник меъёрлаш маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилсин.

4. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қурилишда меъёрлаш тизимидаги ва инновацион технологияларни жорий қилишдаги муаммоларни ўрганиб бориш; қурилиш соҳасидаги халқаро нормалар, қоидалар ва стандартларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида миллий норматив ҳужжатларни улар билан уйғунлаштириш;

бинолар, иншоотлар ва уларнинг алоҳида элементларига бўлган хавфсизлик талабларини, шунингдек, бино ва иншоотларнинг энергия самардорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

норматив, шу жумладан хорижий ҳужжатларнинг илмий-техник кутубхонаси ва электрон базасини ташкил қилиш ва юритиш;

хорижий ва халқаро ташкилотлар, консўльтантлар ва мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда уларни миллий норматив ҳужжатлар базасини такомиллаштиришга жалб қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги қошидаги Қурилишда техник меъёрлаш марказининг бошқарув ходимлари чекланган сони 20 нафардан иборат тузилмаси 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки:

Марказ фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, ХМИ/ХХМТнинг техник кўмак маблағлари (грантлари) ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Марказ штат бирликлари тегишли вазирлик ва идораларнинг бошқарув ходимларини 2020 йилда мақбуллаштириш ҳисобидан жамланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги икки ой муддатда 2020–2023 йилларда шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш

дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) тасдиқласин.

Белгилансинки, Дастурни амалга ошириш доирасида:

миллий норматив, шу жумладан идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш қурилиш соҳасида тажрибага эга бўлган хорижий компанияларни жалб этган ҳолда амалга оширилади;

тармоқ вазирликлари ва идоралари ишлаб чиқилган ва қайта кўриб чиқилган норматив, шу жумладан идоравий ҳужжатларни тасдиқлашдан олдин уларнинг лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига келишиш учун мажбурий тартибда киритилишини таъминлади;

тегишли вазирлик ва идораларга ажратилмаган бюджет маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш ишларининг молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

7. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатларни ислоҳ қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш) 3-иловага** мувофиқ ташкил этилсин.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш (А.Раматов):

вазирлик ва идораларнинг норматив, шу жумладан идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш фаолияти мувофиқлаштирилишини;

вазирлик ва идораларнинг норматив ҳужжатлар, шу жумладан техник топшириқлар ва танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қайта кўриб чиқиш бўйича йиллик ва узоқ муддатли дастурларни келиштириш ва уларнинг ижроси устидан тизимли мониторинг ўрнатилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

бир ой муддатда қурилиш тармоғини ислоҳ қилиш, шу жумладан миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш бўйича ишларни самарали ташкил этиш мақсадида халқаро экспертлар ва консўльтантларни жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига амалий ёрдам кўрсатсин;

2020 йилда миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш, шунингдек, халқаро экспертлар ва консўльтантлар хизматлари тўловини амалга ошириш учун бир ой муддатда Қурилиш вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан 15 миллиард сўм ажратилишини таъминласин;

2021–2023 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини ишлаб чиқишда миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш учун зарур бўлган маблағларни ажратишини назарда tutсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги уч ой муддатда илгор хорижий тажриба асосида, бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг турлари ва бошқа мезонларга қараб минимал талабларни табақалаштирган ҳолда қурилиш соҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига оид меъёрларни такомиллаштириш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қурилиш вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда илгор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда қурилиш соҳасида харид тартиб-таомилларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини, шу жумладан лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашда харид ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича талабларни такомиллаштиришга доир тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига

**Фармонга 2–3-иловалар «СБХ»да берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги электрон кооперация порталига, биринчи навбатда, Дастурга киритилган лойиҳалар доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тўғрисида уларнинг нархи, техник ва миқдор кўрсаткичлари кўрсатилган маълумотларни жойлаштиришни ташкил этади;

зиммасига юкланган функционал вазифалардан ташқари бошқа вазифаларни бажариши мэн этилади;

маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ҳамда ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперацияси асосида маҳсулотларни етказиб бериш бўйича ҳудудий ва тармоқ корхоналарига мажбуриятларининг бажарилиши бўйича шахсан жавоб беради.

7. Ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларининг маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари:

иқки ой муддатда маҳаллий корхоналарда Дастурга киритилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини жойлаштириш мақсадида, шу жумладан инвесторга маҳсулотларни сифат бўйича талабларга, келишилган техник ва нарх кўрсаткичларига амал қилиш шарти билан, етказиб бериш бошланган вақтдан иқки йил давомида давлат харидлари тизими орқали харид қилиш кафолатини берадиган махсус контрактларни тузган ҳолда, тегишли веб-сайтларда танлов тартиб-таомилларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

танлов тартиб-таомиллари яқунларига кўра, ҳўжалик фаолиятини ривожлантириш ва лойиҳаларни амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида тармоқ ёки йирик корхоналар эҳтиёжлари учун талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кооперация тартибиде ташкил қиладиган корхоналар рўйхати шакллантирилишини;

маҳаллийлаштириш лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш доирасида илмий-техник кенгашларнинг тармоқ имкониятларини сафарбар этган ҳолда, илгор инновация технологиялари ва тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш, шунингдек, бутловчи қисмлари, шу жумладан технологик асбоб-ускуналарнинг тез ишдан чиқувчи буюмлари, эҳтиёт қисмлари ва материаллари ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича шахсий масъулият юклансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тақлифлари асосида шакллантирилган Ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасини (кейинги ўринларда ярмарка деб аталади) ўтказиш жадвали 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

9. Қуйидагилар:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари билан биргалиқда;

ярмаркага тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш бора-

сиза зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда улар томонидан узоқ муддатли кооперация ҳамкорлигини йўлга қўйишини, шунингдек, маҳаллий ҳомашё неғизида саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш фаолиятига кенг жалб қилиш;

ярмаркада иштирок этадиган тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари ва намунаси, техник ва сифат кўрсаткичлари (шу жумладан халқаро сертификатлар), мавжуд технологик асбоб-ускуналар, йиллик ишлаб чиқариш қуввати, маҳсулотнинг улгуржи ва чакана нархлари, маҳсулотни етказиб бериш шартлари, шунингдек, олиб келинадиган бутловчи қисмлар, хом ашё ва материаллар ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган стендлар тайёрланишини;

ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотларни оммалаштириш мақсадида ярмаркага хорижий ҳамкорлар ва харидорларни кенг жалб қилиш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан янги турдаги маҳсулотлар намойишини ҳамда электрон кооперация портали орқали ҳамкорлик шартномаларини шакллантириб боришини устувор тарзда ташкил этиш;

б) ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларининг маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари:

ярмаркада тармоқнинг саноат салоҳияти, республикадаги табиий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлаш ҳолати ва истиқболлари, ишлаб чиқариш инфратузилмаси (шу жумладан бўш бино ва иңшоотлар, ишлатилмай турган ускуна ва жиҳозлар), импорт номенклатураси (йиллик талаб ва нархни кўрсатган ҳолда), ишлаб чиқариш маҳаллийлаштириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан кооперация алоқаларини ўрнатиш бўйича лойиҳа тақлифларини акс эттирувчи стендлар тайёрланишини;

ярмарка доирасида барча даражадаги иштирокчиларга тармоқлар таркибига кирувчи корхоналар томонидан импорт қилинаётган товарларни кооперация алоқаларини кенгайтириш орқали маҳаллий ишлаб чиқариш ташиқлотларидан сотиб олишни йўлга қўйиш мақсадида импорт товарларнинг техник параметрлари ҳамда уларни сотиб олиш нархлари тўғрисидаги маълумотлар етказилишини;

ярмарка давомида тадбиркорлик субъектлари билан саноат кооперацияси асосида қиска ва узоқ муддатли ҳамкорлик шартномаларини электрон кооперация портали орқали тузилишини таъминласин.

10. «Ўзстандарт» агентлиги ички ва ташқи бозорларда харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига техник тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ҳамда метро-

РЕКЛАМА



«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамин

Тошкент ш., Миробод тумани, Та.т.ғимаржой кўч., 1/1.

Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

миқдорга кафилик бериш ва тижорат банклари кредитлари фоиз ставкаларининг 5 фоиз миқдоргача ўрнатилган тартибда қопланиши;

уч ёки undan ortiq ish-tirokchilar – маҳаллий ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлган тақдирда, давлат харидлари бюрократиянинг танловига қўра маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида амалга оширилиши;

бюроқтамчиларга маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ўзлаштириш учун тавсия этиладиган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турларининг рўйхатга киритилган маҳсулот турларини харид қилишда инвесторга маҳсулотларни сифат бўйича талабларга, келишилган техник ва нарх кўрсаткичларига амал қилиш шarti билан, етказиб бериш бошланган вақтдан икки йил давомида давлат харидлари тизими орқали харид қилиш кафолатини берадиган махсус контрактларни танлов тартиб-таомиллари йўли билан тузиш ҳуқуқи берилиши;

айрим тармоқларнинг маҳсулотларини давлат томонидан харид қилишда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларига нисбатан 20 фоизгача нарх преференцияси қўлланиши мумкинлиги;

маҳаллийлаштириш дастурига киритилган маҳсулотлар турларини ўзлаштираётган ташкилотларга ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни импорт қилишда божхона тўловларини божхона декларацияси расмийлаштирилган кундан бошлаб (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 120 кунгача кечиктириб тўлашга рухсат берилиши;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги айрим турдаги маҳсулотларни экспорт қилувчиларга тижорат банкларининг экспортдан олдинги кредитлари бўйича фоизли харажатларни қоплашга компенсациялар, тижорат банкларининг кредитлари бўйича кафилик, темир йўл транспортида ташқи харажатларининг 50 фоизгача миқдорини қоплаш учун субсидиялар тақдим этиши, халқаро стандартлаштириш ва сертификатлаш тизимларини жорий этиш, хорижий мамлакатларда миллий маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш бўйича масалаларга молиявий ёрдам кўрсатади ҳамда экспортни суғурталаш шароитлари ахшиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан давлат бошқаруви ва маҳаллий иқтисодиёт ҳокимияти органлари ҳамда ҳўжалик бирлашмаларининг тақлифлари асосида ишлаб чиқилган ва қўйидагиларни ўз ичига олган 2020-2021 йилларда ички ва ташқи бозорларда харидордир маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) тасдиқлансин:

3. 1 млрд АҚШ долларига тенг импорт ўрнини босиш ва 351,6 млн АҚШ доллар миқдорига экспортни амалга оширишни таъминлашга қаратилган иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг прогноз параметрлари 1-иловага мувофиқ;

иқтисодиёт тармоқларида қиймати 20,7 трлн сўмлик 906 та ва ҳудудларда 9,6 трлн сўмлик тенг 1 465 та лойиҳанинг ҳар бири кесимида ва маҳаллийлаштириладиган маҳсулот тури бўйича ишлаб чиқариш параметрлари 1.1 ва 1.2-иловаларга** мувофиқ;

умумий қиймати 7,7 млрд АҚШ долларига тенг 850 та маҳсулот турларидан иборат 2020–2021 йилларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ўзлаштириш учун тавсия

этиладиган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турларининг рўйхати (кейинги ўринларда Рўйхат деб аталади) 2-иловага** мувофиқ.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сон қарори билан ташқиқ этилган Мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва саноат маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича комиссияга (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) ҳар чорак якуни бўйича Дастурга ички ва ташқи бозорларда харидордир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга доир амалга оширишга тайёр янги лойиҳаларни киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

кичик саноат зоналарида ер участкалари, фаолият кўрсатмаётган, буш турган биналар, иنشотлар, қурилиш тугалланмаган объектлар ҳамда муҳандислик инфратузилмасига эга бўлган ҳудудлар устувор равишда Дастурга киритилган лойиҳаларни жойлаштириш учун ажратилгади;

Дастурга автомобилсозлик, қишлоқ ҳўжалиги машиносозлиги ва электротехника соҳалари учун юқори технологияли мураккаб тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳалари уларни техник-иқтисодий асослаш кўрсаткичларида лойиҳанинг камида 50% фоизи амалга оширилгандан сўнг маҳаллийлаштириш даражаси назарда тутилиши шартли билан киритилиши зарур;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги амалга оширилаётган лойиҳаларни техник-иқтисодий асослаш параметрларининг бажарилиши бўйича ҳисобот даври якуни билан мониторинг ўтказиши ва бунинг натижасида ушбу белгиланган параметрларнинг лойиҳа ташаббускорлари томонидан бажарилмаган ҳолатлар аниқланганда, Комиссияга тегишли тақлифлар киритади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси бир ой муддатда ҳисобот шакллари ишлаб чиқин ва Дастур доирасида белгиланган йилга кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан ҳар чораклик мониторингини ташқиқ этсин.

6. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчилари ҳамда ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларининг маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари:

тизимли асосда мониторинг юритишни таъминлайди ҳамда маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш, муаммоли масалаларни ҳал этиш ва уларнинг амалга оширилишига тўсқин қиладиган ҳолатларни бартараф этишда лойиҳа ташаббускорларига амалий ёрдам кўрсатади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ва Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари билан бирга қишлоқ лойиҳаларнинг рақобат устуворликлари ва иқтисодий самарадорлиги таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, ички ва ташқи бозорларда харидордир рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқариладиган замонавий ва юқори технологияли корхоналарни ташқиқ этишга қаратилган лойиҳаларни шакллантиришда тадбиркорлик субъектлари ҳамда тармоқ корхоналарига мунтазам кўмаклашади;

**Қарорва 1.1., 1.2., 2-иловалар «СБХ»да берилмайдн. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотам» АҚТ ва nrm.uz сайтида таншиши мумкин.

сига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

а) 2020 йил 1 августга қадар халқаро молия институтларини жалб этган ҳолда қуйдагилар ишлаб чиқишини таъминласин:

Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳасини модернизациялаш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2020–2025 йилларга мўлжалланган стратегияси;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир миллий норматив ҳужжатларга номуносиб бўлган қисмлар учун компенсацияловчи чораларни таъминлаш бўйича махсус техник шартларни келишиш ва тасдиқлаш тартибини;

«fast-track» усули (бир вақтнинг ўзida лойиҳалаштириш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) билан «тайёр ҳолда топшириш» шартлари (Engineering Procurement Construction) асосида объектларни қуришга рухсат бериш тартибини;

б) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига қуйдаги ҳукумат қарорлари лойиҳаларини киритсин:

икки ой муддатда – экспериментда иштирок этаётган қурилиш объектлари ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тасдиқлаш ҳақида;

эксперимент натижасидан келиб чиқиб ҳамда илғор хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда – марказлашган манбалар ҳисобидан амалга оширилаётган ва бюрократчи функциясини хусусий тадбиркорлик субъектлари бажарадиган объектлар қурилишини ташкил қилиш ва молиялаштириш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар қошидаги қурилиш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича бюрократчи хизматлари фаолиятини ислоҳ қилиш ҳақида;

в) Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда 2020 йил 1 майга қадар кўп қавратли уйлارни улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда қуйдаги талабларни ўрнатиш назарда тутилсин:

улуш киритиш асосида уй-жойларни қуриш учун маблағларни жалб этишдан аввал келишилган лойиҳа-смета ҳужжатларининг мавжуд бўлиши, қурувчи ташкилотнинг банк ҳисоб рақамларида жамланадиган улуш қўшганларнинг маблағларидан мақсадсиз фойдаланишни чеклаб қўйиш;

қурилишда улуш киритиш асосида иштирок этиш бўйича шартномаларни мажбурий тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ва улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш учун маблағларни жалб этувчи қурилиш ташкилотларининг ягона реестрини юритиш;

г) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар касба мувофиқлик сертификатлари берилишини таъминлаган ҳолда қурилиш соҳаси ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингини яратиш доирасида:

2020 йил 1 апрелга қадар лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотлар рўйхатини аниқласин ҳамда уларни вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига тақдим этиш тартиби белгилансин;

электрон рейтингларни жорий этиш учун ўрнатилган муддатларда «Иаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими билан интеграциялаштирган ҳолда зарур дастурий таъминотни ишлаб чиқсин;

е) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва янгилаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ж) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини ташкил қилишнинг қуйдаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов – мазкур Фармоннинг сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишини таъминласин, норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта қўриб чиқиш учун масъул бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин, ҳар ойда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодиёт ва саноат вазири Ж.А.Қўчқоров – қурилиш соҳасида харид тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибларига илғор хорижий тажрибани жорий қилинишини, шунингдек, миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта қўриб чиқиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б.И.Закиров – лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари, идоравий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда қурилиш соҳасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги меъёрларини такомиллаштириш юзасидан зарур чораларни кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ш.С.Хидоятлов – барча миллий норматив ҳужжатларнинг босқичма-босқич ва сифатли ишлаб чиқилиши ва қайта қўриб чиқилишини, қурилиш соҳасига, шу жумладан харид тартиб-таомилларига илғор ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в.б. А.Д.Хаджаев – мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид брифинглар, пресс-конференциялар ташкил этиб, мақолалар ва тематик телекурсувлар эълон қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 13 март
ПФ-5963-сон.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир миллий норматив ҳужжатлар билан бир вақтда қўлланилишига рухсат этиладиган хорижий норматив ҳужжатлар РЎЙХАТИ

Т/р	Норматив ҳужжатлар номи	Давлатлар
1.	Еврокодлар (European Codes, EC)	Европа Иттифоқи
2.	Британия стандартлари (British Standards, BS)	Буёк Британия
3.	Хитой миллий қурилиш стандартлари (GB, CJ, JC, JG ва бошқалар)	Хитой Халқ Республикаси
4.	Корея қурилиш кодлари (Korean building code, KBC)	Корея Республикаси
5.	Қурилиш меъёрлар ва қоидалар (СНИП)	Россия Федерацияси
6.	АҚШ халқаро қурилиш кодлари (International building code, IBC)	Америка Қўшма Штатлари
7.	Япония миллий стандартлари (Japanese Industrial Standards, JIS)	Япония

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ID-КАРТАЛАРИНИ
РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА***

[Кўчирма]

Фуқароларни рақамли идентификациялашнинг ягона тизимини жорий этиш, иқтисодийнинг турли тармоқларида инновацион технологияларни кенг жорий этиш, аҳолини ижтимоий таъминлаш ва муҳофаза қилиш, турли давлат ҳисобига олиш тизимлари ўртасида ахборот ҳамкорлиги учун жисмоний шахслар тўғрисидаги бирламчи маълумотлардан самарали фойдаланиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Идоровий ахборот тизимларини жадал интеграциялаштириш ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш буйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 18 апрелдаги ПҚ-3673-сон ва «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4079-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4079-сон қарори билан республиканинг мавжуд биометрик паспорт тизими инфратузилмаси негизда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти ўрнига 2021 йилдан бошлаб идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини (кейинги ўринларда – Тизим) жорий этиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки;

2021 йил 1 январдан бошлаб янги туғилган болага, Ўзбекистон Республикаси фуқаросига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахсга ва

хорижий фуқарога белгиланган намунадаги идентификация ID-картаси (кейинги ўринларда – ID-карта) берилди;

ID-карта унинг эгасининг шахсини, фуқаролигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудда фойдаланилади;

ID-карта у берилган вақтдан бошлаб 10 йил муддатга берилди;

ID-карта расмийлаштирилганлиги ва берилганлиги учун давлат божи миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 89 фоизини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти, фуқаролиги бўлмаган шахс ва хорижий фуқаронинг яшаш гувоҳномаси уларнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунча қадар ҳақиқийдир. Ушбу ҳужжатларнинг эгалари уларни белгиланган тартибда ID-картага алмаштириш ҳуқуқига эга;

биометрик паспортни ID-картага алмаштириш:

2021 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача ихтиёрийлик асосида;

2023 йил 1 январдан 2030 йил 31 декабргача мажбурий тартибда амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти 2030 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази билан биргаликда 2020 йил 1 июнча бўлган муддатда:

Янги туғилган бола, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахс ва хорижий фуқаронинг ID-картаси давлат стандартини;

Ўзбекистон Республикаси ID-картаси тўғрисидаги низомни;

*Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 7.03.2020 йилдан кучга кирди.

Тизим доирасида шахсий маълумотларни алмашиш бўйича идоралараро ахборот ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун белгиланган тартибда киритсин.

9. Белгилансинки:

маълумотлар тўплаш, ID-карталарни олиш, персоналлаштириш ва кейинчалик бериш учун электрон буюртманомаларни шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиналари, Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармаси ва Адлия вазирлиги томонидан маълумотларни тўплаш пунктларида амалга оширилади;

жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақамини марказлаштирилган тартибда пухта ишлаш ва яратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази томонидан амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги аҳолини ID-карталар билан узлуксиз таъминлаш, биометрик паспортларни ID-карталарга алмаштириш учун аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати Тизимни ишга

тушириш учун зарур инфратузилма тайёрланишини таъминлашсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпанияси ва Миллий ахборот агентлиги ушбу қарор қоидаларини аҳоли орасида кенг ёритиш бўйича оммавий ахборот воситаларида материаллар эълон қилиниши ҳамда мавзуга оид кўрсатувлар ва эшиттиришлар берилишини таъминлашсинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига Тизимни амалга ошириш учун зарур бўлган ўзгарттиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига уч ой муддатда таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази директори Н.С.Тўраҳўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 6 март
129-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОИ**

**2020-2021 йилларда ички ва ташқи бозорларда харидоргир
маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури
тўғрисида***

Маҳаллий саноатни янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришда қўшимча қиймат занжирини яратиш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва турларини кўпайтириш, шунингдек, ички ва ташқи бозорларда харидоргир саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси саноати тармоқларини ривожлантириш бўйича тасдиқланган 13 та дастурда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, тармоқ ичида ва тармоқлараро кооперацияни, шу жумладан тадбиркорлик субъектларни жалб қилган ҳолда ривожлантириш, шу асосда маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажмларини ошириш ҳамда янги иш ўринларини ташкил қилиш назарда тутилганлиги;

б) маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга оширадиган ташкилотлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорлари билан давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги механизмлари назарда тутилганлиги:

маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни ички бозорда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг электрон кооперация портали орқали таклиф этиш учун қўшимча шароитлар яратилганлиги, шунингдек, барча истеъмолчилар учун тендер тартиботларини ўтказмасдан, портал орқали харидларни тўғридан-тўғри амалга ошириш имкониятлари жорий қилинганлиги;

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича лойиҳани амалга ошириш учун жалб этиладиган кредитнинг 50 фоизи

*Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 11.03.2020 йилдан кучга кирди.

РЕКЛАМА

ORMA

«КОРҲОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz

Хўжалик операциясининг мазмуни	Операция санаси	Дебет	Кредит
Устав фонди миқдори кўпайтирилди	Таъсис ҳужжатларидаги ўзгаришларни рўйхатдан ўтказиш санаси	4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»	8330-«Пай ва улушлар»
Устав фонди кўпайтирилган сумма ҳисобга олинди		6630-«Устав капиталини кўпайтириш бўйича муассисларнинг улушлари»	4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»

МЧЖ мол-мулки ҳисобига устав фонди кўпайтирилганда қандай солиқлар тўланади

Ўз капитали (мол-мулки) ҳисобига устав фонди кўпайтирилган тақдирда, муассиснинг улуш номинал қиймати оширилиши тарзида олинган даромадлари солиқ солиш мақсадларида дивидендлар деб эътироф этилади (СК 41-м.).

Корхона даромад тўлаш манбаи сифатида дивидендлардан ЖШДС ёки юридик шахслардан олинган фойда солиғини қилидаги ставкалар бўйича ушлаб қолиши лозим:

- муассис-резидентлар учун - 5% (СК 337, 381-м.);
- муассис-норезидентлар учун - 10% (СК 353, 382-м.).

Муассис-резидентлар учун дивидендлардан солиқни ҳисоблаш чоғида солиқ базаси корхона томонидан жорий ва (ёки) ўтган ҳисобот (солиқ) даврларида олинган дивидендлар суммасига қамайтирилади. Солиқ базасини муассис-резидентлар улушига тўғри келадиган улушда қамайтириш (СК 345-м.).

МИСОЛ. Устав фондини жамиятнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобига кўпайтириш

Ўзбекистон резидентлари бўлган 2 та жисмоний шахс МЧЖ муассислари ҳисобланади, уларга корхона устав фондининг 60 ва 40%и тегишлидир.

2020 йилда улар 2019 йилги бухгалтерия балансига асосан тақсимланмаган фойда ҳисобига устав фондини 160 000 минг сўмлик умумий суммасига кўпайтиришга қарор қилдилар.

Корхона жорий ва аввалги даврларда дивидендлар олмаган. Шу боисдан устав фонди кўпайтирилган сумма 5%лик ставка бўйича белгиланган солиқни айириб ташлаган ҳолда аниқланади.

Устав фонди уларнинг улушларига мутаносиб равишда кўпайтирилади:

- биринчи муассиснинг солиқни чегирган ҳолдаги улуши 91 200 минг сўмга (160 000 x 60 % x (100 % - 5%)) кўпаяди;
- иккинчи муассиснинг солиқни чегирган ҳолдаги улуши 60 800 минг сўмга (160 000 x 40 % x (100 % - 5%)) кўпаяди.

Жамият устав фондининг кўпайтирилишига оид таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар рўйхатдан ўтказилди.

Бухгалтерия ҳисоби:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма (минг сўмда)	Дебет	Кредит
Тақсимланмаган фойдани устав фондини кўпайтиришга йўналтириш тўғрисида қарор қабул қилинди	1-муассис: 96 000 (160 000 x 60%) 2-муассис: 64 000 (160 000 x 40%)	8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)»	6630-«Устав капиталини кўпайтириш бўйича муассисларнинг улушлари»
Дивидендлар тарзидаги даромадлардан ЖШДС ушлаб қолинди (5%)	1-муассис: 4 800 2-муассис: 3 200	6630-«Устав капиталини кўпайтириш бўйича муассисларнинг улушлари»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Юридик шахсларнинг дивидендлар тарзидаги даромадларидан ЖШДС ва фойда солиғи ўтказилди	8 000	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар давлат рўйхатдан ўтказилганда устав фонди миқдори кўпайтирилди	1-муассис: 91 200 2-муассис: 60 800	4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»	8330-«Пай ва улушлар»
Устав фондини кўпайтириш суммалари ҳисобга олинди	1-муассис: 91 200 2-муассис: 60 800	6630-«Устав капиталини кўпайтириш бўйича муассисларнинг улушлари»	4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»

Олег ЦОЙ, «Норма» МЧЖ эксперти.

МЧЖ УСТАВ ФОНДИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ

ҚАНДАЙ ВАЗИЯТЛАРДА МЧЖ УСТАВ ФОНДИ КАМАЙТИРИЛАДИ

МЧЖ муассислари устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидирлар, айрим ҳолларда бундай қарор қабул қилишлари шарт бўлади («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси).

Устав фонди қуйидаги ҳолатларда мажбурий тартибда камай-тирилиши лозим:

- у корхона рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида тўлиқ шаклантирилмаган бўлса;
- иккинчи ва ҳар бир кейинги молиявий йил якунланганда жамиятнинг соф активлари қиймати унинг устав фонди қийматидан кам бўлса;
- чиқиб кетаётган муассиснинг улуши жамиятга ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ўтгандан кейин жамият улуши тақсимланмаган ва реализация қилинмаган бўлса (Қонуннинг 23-моддаси).

Устав фондини қуйидагича камайтиринг:

- жамият устав фондидаги иштирокчилар улушининг номинал қийматини камайтириш орқали;
- жамиятга тегишли улушни сўндириш орқали.



Жамият иштирокчилари улушининг номинал қийматини камайтириш орқали устав фонди камайтирилганда улушлар миқдори сақлаб қолинади.

Устав фонди камайтирилиши ҳужжатлар билан қандай расмийлаштирилади

I қадам

МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказинг, унинг якунлари бўйича баённома тузинг.

Баённомада қуйидагиларни кўрсатинг:

- устав фондини камайтиришнинг умумий миқдори;
- жамият ҳар бир иштирокчиси улуши унинг ҳиссасига муаносиб равишда камайтирилган миқдори;
- муассислар билан ҳисоб-китоблар қилиш тартиби.

Яъни қайси мол-мулк (пул ёки бошқа мол-мулк) устав фондини камайтириш ҳисобига муассисларга берилади. Устав фондининг камайтирилиши мажбурий бўлмаса ва соф актив қиймати муассислар билан ҳисоблашишга имкон берса, ушбу маълумотларни баённомада акс эттиринг;

- мол-мулк билан тўланганда унинг таркиби ва берилаётган қиймати.



Устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарор иштирокчиларнинг кўпчилик овози билан (камида 2/3), агар жамият уставда уларнинг сони бундан кўпроқ бўлиши лозимлиги назарда тутилмаган бўлса, қабул қилинади (Қонуннинг 34-моддаси).

II қадам

Уфни камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 30 кун давомида:

- барча кредиторларни Уф камайтирилгани ва унинг янги миқдори тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинг;
- Уфни камайтириш тўғрисидаги хабарни ОАВда эълон қилинг.

Жамият кредиторлари хабарнома ёки чоп этилган эълон юборилган санадан бошлаб 30 кун ичида жамият мажбуриятларини муддатидан олдин бекор қилиш ёки ижро этиш ва уларга зарарни қоплашни ёзма равишда талаб қилишга ҳақли.

III қадам

Уфни камайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан 30 кун ичида рўйхатдан ўтказувчи органга («ягона дарча») қуйидаги ҳужжатларни тақдим этинг:

- давлат тилидаги таъсис ҳужжатлари;
- кредиторлар хабардор қилинганлиги далили (олганли-

ги тўғрисида кредиторлар вакиллари имзоси билан хабарномалар нусхалари ёки эълон берилган газета ёки журнал нусхалари);

- давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги маълумотларни ёки банк тўлов ҳужжатининг нусхаси (Низомнинг 21, 32-моддалари, 9.02.2017 йилдаги 66-сон ВМҚга 1-илова).

УФни камайтириш бўйича мисоллар

1-МИСОЛ. Муассисларнинг қонун ҳужжатлари талабларига боғлиқ бўлмаган қарори бўйича УФни камайтириш МЧЖ УФ - 12 000 минг сўм, шу жумладан:

- 40% - жисмоний шахс улуши, у 4 800 минг сўмни ташкил этади;
- 60% - юридик шахснинг улуши, у 7 200 минг сўмни ташкил этади.

УФни муассислар улушининг номинал қийматини пасайтириш йўли билан 5 минг сўмга камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Муассисларга ҳиссаларининг бир қисми пул маблағлари билан қайтарилди, уларнинг улушлари номинал қийматини ушбу миқдорга камайтирилди.

УФ иштирокчилар улуши миқдорлари сақлаб қолинган ҳолда камайтирилади:

- 2 000 минг сўмга – жисмоний шахсда (5 000 x 40 %);
- 3 000 минг сўмга – юридик шахсда (5 000 x 60 %).

Камайтирилгандан кейин УФ - 7 000 минг сўм.

Иштирокчилар ҳиссалари:

- жисмоний шахсда - 2 800 минг сўм;
- юридик шахсда - 4 200 минг сўм.

Улуш миқдорлари қуйидагича сақлаб қолинди:

- жисмоний шахсда: $2\ 800 / 7\ 000 \times 100 = 40\%$;
- юридик шахсда: $4\ 200 / 7\ 000 \times 100 = 60\%$.

УФ камайтирилганда муассислардан қарзларни акс эттириш учун ишчи счётлар режасига қўшимча 6640-«УФ камайтирилганда муассислардан қарзлар» счётини киритишнинг мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
МЧЖ муассислари улушининг номинал қийматини камайтириш орқали УФ камайтирилди (муассислар кесимида)	5 000	8330-«Пай ва улушлар»	6640-«УФ камайтирилганда муассислардан қарзлар»
Муассисларга (муассислар кесимида) пул маблағлари тўланди	5 000	6640-«УФ кайтирилганда муассислардан қарзлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

2-МИСОЛ. Корхона рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида УФ тўлиқ шакллантирилмаган уни камайтириш

МЧЖ 2019 йил 17 декабрда рўйхатдан ўтказилган, бунда УФ - 150 000 минг сўм, шу жумладан:

- 40% - жисмоний шахснинг улуши, у 60 000 минг сўмни ташкил этади;
- 60% - юридик шахснинг улуши, у 90 000 минг сўмни ташкил этади.

Рўйхатдан ўтказилгандан кейин 1 йил давомида жисмоний шахс УФдаги ўз улушини тўлиқ шакллантирган. Юридик шахс УФга 70 000 минг сўмлик мол-мулкни киритган.

МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши УФни ҳақиқатда киритилган улушлар миқдорига - 130 000 минг сўмга (60 000 + 70 000) камайтиришга қарор қилди, шу жумладан:

- 46,15% - жисмоний шахснинг улуши, у 60 000 минг сўмни ташкил этади;
- 53,85% - юридик шахснинг улуши, у 70 000 минг сўмни ташкил этади.

Бухгалтерия ҳисоби:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
МЧЖ муассиси (юридик шахс) улушининг номинал қийматини камайтириш орқали УФ камайтирилди	20 000	8330-«Пай ва улушлар»	4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»

3-МИСОЛ. Соф активлар УФ миқдоридан кам бўлса, иккинчи ва ҳар бир кейинги молиявий йил якунлаганидан кейин УФни камайтириш

МЧЖ 2017 йил декабрда рўйхатдан ўтказилган, бунда УФ - 150 000 минг сўм, шу жумладан:

- 40% - жисмоний шахснинг улуши, у 60 000 минг сўмни ташкил этади;
- 60% - юридик шахснинг улуши, у 90 000 минг сўмни ташкил этади.

Иккинчи молиявий йил якунлаганда корхонанинг бухгалтерия баланси қуйидагича бўлади:

2020 йил 1 январь ҳолатига кўра

Актив		Пассив	
Ў бўлим	Сумма (минг сўм)	Ў бўлим	Сумма (минг сўм)
Асосий воситалар	32 100	Устав капитали	150 000
Узоқ муддатли инвестициялар	8 200	Тақсимланмаган фойда (зарар)	- 39 300
Ў бўлим бўйича жами (130-сатр)	40 300	Ў бўлим бўйича жами (480-сатр)	110 700



Таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар жамият иштирокчилари ва учинчи шахслар учун ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб қўча қиради.

III қадам

Давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин УФнинг кўпайганлигини 8330-«Пай ва улушлар» счётида акс эттиринг.

УФни кўпайтириш суммасини нимадан келиб чиқиб аниқлаш мумкин

Жамиятнинг ўтган йилдаги бухгалтерия ҳисоботлари маълумотларига асосан УФни кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинади. Масалан, 2020 йилда устав фонддини кўпайтириш

тўғрисидаги қарорни 2019 йил учун бухгалтерия ҳисоботларига асосан қабул қилиш мумкин.



Устав фонднинг жамият мол-мулки ҳисобига кўпайтириладиган суммаси жамиятнинг соф активлари қиймати ҳамда устав ва захира фондлар суммаси ўртасидаги фарқдан ошиб кетмаслиги керак.

Мол-мулк ҳисобига устав фонди кўпайтирилиши мумкин бўлган энг юқори суммани аниқлаш учун:

1) соф активлар миқдорини куйидаги формула бўйича ҳисобланг:

Соф активлар = Узоқ муддатли ва жорий активлар – Узоқ муддатли ва жорий мажбуриятлар = Бухгалтерия балансининг 400-сатри - Бухгалтерия балансининг 770-сатри;

2) мол-мулк ҳисобига устав фонди кўпайтирилиши мумкин бўлган энг юқори суммани аниқланг:

Соф активлар – Устав фонди – Захира фонди

МИСОЛ. Мол-мулк ҳисобига устав фонди кўпайтирилиши мумкин бўлган энг юқори суммани ҳисоб-китоб қилиш 2019 йил учун МЧЖ бухгалтерия баланси:

Актив		Пассив	
I бўлим	Сумма (минг сўм)	I бўлим	Сумма (минг сўм)
Асосий воситалар	32 300	Устав капитал	150 000
Узоқ муддатли инвестициялар	2 200	Захира капитал	5 600
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар	8 000	Тақсимланмаган фойда	39 300
I бўлим бўйича жами (130-сатр)	42 500	I бўлим бўйича жами (480-сатр)	194 900
II бўлим		II бўлим	
Товар-моддий захиралар	67 200	Узоқ муддатли мажбуриятлар	26 800
Дебиторлик қарзи	14 600	Жорий мажбуриятлар	27 600
Пул маблағлари	125 000		
II бўлим бўйича жами (390-сатр)	206 800	II бўлим бўйича жами (770-сатр)	54 400
Актив бўйича жами (400-сатр)	249 300	Пассив бўйича жами (780-сатр)	249 300

Соф активларни куйидагича аниқлаймиз:

400-сатр – 770-сатр = 249 300 - 54 400 = 194 900 минг сўм.

2020 йилда МЧЖ устав фонди мол-мулк ҳисобига кўпайтирилиши мумкин бўлган энг юқори суммани ҳисоблаймиз:

Соф активлар - Устав фонди - Захира фонди = 194 900 - 150 000 - 5 600 = 39 300 минг сўм.

УФ кўпайтирилиши ҳисобда қандай акс эттирилади

Жамият мол-мулки ҳисобига устав фонддини кўпайтириш бўйича муассислар билан ҳисоб-китоблар бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

Ҳужалик операциясининг мазмуни	Операция санаси	Дебет	Кредит
Тақсимланмаган фойдани устав фонддини кўпайтиришга йўналтириш тўғрисида қабул қарор қилинди	Муассислар томонидан қаро қабул қилинган сана	8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»	6630-«Устав капитални кўпайтириш бўйича муассисларнинг улушлари»
		8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)»	
Юридик шахсларнинг дивидендлар тарзидаги даромадларидан ЖШДС ва фойда солиғи ушлаб қолинди.	Солиқ тўлаш санаси	6630-«Устав капитални кўпайтириш бўйича муассисларнинг улушлари»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Юридик шахсларнинг дивидендлар тарзидаги даромадларидан ЖШДС ва фойда солиғи ўтказилди		6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

□ **иккинчи муассис - муассислар томонидан 80 000 минг сўмлик қўйматда баҳоланган ускунани киритади.**
Иштирокчилар умумий йиғилишининг баённомасида белгиланган муддатда қўшимча ҳиссалар киритилди.
Киритилган жами қўшимча ҳиссалар тасдиқланганидан кейин жамият устав фондиди кўпайтиришга оид таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришлар рўйхатдан ўтказилган.
Бухгалтерия ҳисоби:

Ҳужалик операциясининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	Дебет	Кредит
Устав фондиди кўпайтириш бўйича қўшимча ҳиссалар киритилди	80 000	1-муассис: 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	6630-«Устав капитални кўпайтириш бўйича муассисларнинг улушлари»
	80 000	2-муассис: 0820-«Асосий воситаларни харид қилиш»	
Устав фондидинг кўпайтирилган миқдори рўйхатдан ўтказилди	1-муассис: 80 000	4610-«Устав капиталга таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»	8330-«Пай ва улушлар»
	2-муассис: 80 000	4610-«Устав капиталга таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»	
Илгари олинган қўшимча ҳиссалар суммаси ҳисобга олинди	1-муассис: 80 000 2-муассис: 80 000	6630-«Устав капитални кўпайтириш бўйича муассисларнинг улушлари»	4610-«Устав капиталга таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»

МЧЖ УСТАВ ФОНДИ ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ ҲИСОБИГА ҚАНДАЙ КўПАЙТИРИЛАДИ

МЧЖ устав фонди жамиятнинг мол-мулки ҳисобидан кўпайтирилиши мумкин (Қонуннинг 17-моддаси).

УФни жамият мол-мулки ҳисобига кўпайтириш қоидалари

I қоида

Устав фондиди жамиятнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтирилганда унинг иштирокчилари улушларининг номинал қийматини мутаносиб равишда оширинг.

ВАЗИЯТ. Муассислардан бири тақсимланмаган фойда таркибидаги ўзига тегишли қисмини устав фондиди кўпайтиришга йўналтиришни истамаяпти, дивидендларни олмоқчи бўлماпти

Устав фондидинг бундай кўпайтирилиши тўғрими?

• Йўқ, устав фондидинг бундай кўпайтирилиши нотўғри.

Устав фонди жамиятнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтирилганда унинг барча иштирокчилари улушларининг номинал қиймати уларнинг улушларига мутаносиб равишда оширилади (Қонуннинг 17-моддаси 3-қисми).

II қоида

Устав фондиди фақат таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорда шакллантирилганидан кейингина кўпайтириш мумкин.

Жамият мол-мулки ҳисобига устав фондиди ошириш тартиби

I қадам

МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказинг, унинг яқунларига кўра баённома тузинг. Унда қуйдагиларни кўрсатинг:

- устав фондиди кўпайтиришга йўналтирилган мол-мулк қийматининг умумий суммаси;
- МЧЖ ҳар бир иштирокчисининг номинал қиймати улушини уларнинг улушларига мутаносиб равишда оширилган миқдори.



Устав фондиди кўпайтириш тўғрисидаги қарор иштирокчиларнинг кўпчилик овози билан (жамида 2/3), агар жамият уставида бундай қарор қабул қилиниши учун уларнинг сони бундан кўпроқ бўлиши лозимлиги назарда тутилмаган бўлса, қабул қилинади.

II қадам

Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши томонидан таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиришлар тасдиқланган кундан бошлаб 30 кун ичида мобайнида рўйхатдан ўтказувчи органга қуйдаги ҳужжатларни тақдим этинг (66-сон Низомнинг 21, 32-бандлари):

• иштирокчилар умумий йиғилишининг устав фондиди кўпайтириш ва таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар кири-

тиш тўғрисидаги қарори баённомаси (ягона муассиснинг қарори);

- давлат тилидаги таъсис ҳужжатлари;
- устав фонди кўпайтирилганини тасдиқловчи ҳужжат. Бу иштирокчилар дивидендларини УФни кўпайтиришга йўналтирилганлигини тасдиқловчи бухгалтерия маълумотномаси бўлиши мумкин;
- давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси.

II бўлим		II бўлим	
Товар-моддий захиралар	67 200	Узоқ муддатли мажбуриятлар	26 800
Дебиторлик қарзи	14 600	Жорий мажбуриятлар	27 600
Пул маблағлари	43 000		
II бўлим бўйича жами (390-сатр)	124 800	II бўлим бўйича жами (770-сатр)	54 400
Активлар бўйича жами (400-сатр)	165 100	Пассив бўйича жами (780-сатр)	165 100

Соф активларни аниқлаймиз:

Соф активлар = 400-сатр – 770-сатр = 480-сатр = 165 100 - 54 400 = 110 700 минг сўм.

Соф активлар УФдан 39 300 минг сўмга (150 000 - 110 700) кам. УФни муассислар улушига мутаносиб равишда ушбу суммага камайтириш лозим.

УФнинг янги миқдори 110 700 минг сўмни (150 000 - 39 300) ташкил этади, шу жумладан:

- 40% - жисмоний шахснинг улуши, у 44 280 минг сўмни ташкил этади;
- 60% - юридик шахснинг улуши, у 66 420 минг сўмни ташкил этади.

Бухгалтерия ҳисоби:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
МЧЖ муассислари улушининг номинал қийматини камайтириш орқали УФ камайтирилди (муассислар кесимида)	39 300	8330-«Пай ва улушлар»	8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)»

МЧЖ УСТАВ ФОНДИНИ ҚЎШИМЧА ҲИССАЛАР ҲИСОБИГА КЎПАЙТИРИШ

УФни қўшимча ҳиссалар ҳисобига кўпайтириш алгоритми

МЧЖ устав фонди унинг иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ва жамиятта қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига кўпайтирилади (Қонуннинг 18-моддаси).

Устав фондини у тўлиқ тўланганидан, яъни таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорда тўлиқ шакллантирилгандан кейин кўпайтириш мумкин бўлади.

УФни кўпайтириш учун:

I қадам

МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказинг, унинг яқунлари бўйича баённома тузинг. Унда қуйдагиларни кўрсатинг:

- қўшимча ҳиссаларнинг умумий қиймати;

- жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси ёки учинчи шахсларнинг қўшимча ҳиссалари қиймати миқдорлари;
- ҳиссаларни тўлиқ киритиш муддати.



Қонун ҳужжатларида қўшимча ҳиссалар киритишнинг аниқ муддатлари белгиланмаган. Бу жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарори билан белгиланади.

УФ барча иштирокчилар эмас, балки битта ёки бир неча иштирокчиларнинг қўшимча ҳиссалари ҳисобига, агар бу МЧЖнинг таъсис ҳужжатларида тақиқланмаган бўлса, оширилиши мумкин.

Мазкур ҳолатда иштирокчи ёки бир неча иштирокчилар томонидан қуйдагилар кўрсатилган ариза тақдим этилади:

- ҳисса киритиш миқдорлари, усуллари ва муддатлари;
- жамият ўзининг устав фондида бўлишини хоҳлаган улуш миқдори.

Муассисларнинг умумий йиғилиши тақдим этилган аризани кўриб чиқиб, айрим иштирокчилар ҳисобига устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорни бир овоздан қабул қилиши лозим.

ВАЗИЯТ. Бир муассиснинг қўшимча ҳиссаси МЧЖ иштирокчиларининг устав фондидаги улушини ўзгартириб юборади
Бир юридик шахс ва 2 нафар жисмоний шахс МЧЖ муассислари ҳисобланади. Юридик шахс устав фондида қўшимча ҳисса киритиш тўғрисида ариза беради.

УФни бундай тарзда кўпайтириш тўғрими?

- Ҳа, УФнинг бундай кўпайтирилиши тўғри, агар бу жамият таъсис ҳужжатлари рухсат этилган бўлса; МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан бир овоздан қабул қилинди.

II қадам

Муассислар қароридан белгиланган муддат мобайнида муассислар томонидан қўшимча ҳиссалар киритилади.

Уфга киритилган ҳиссалар фойда солигини тўлайдиган

корхоналарда (СК 304-м. 1-б.) ва айланмадан олиннадиган солиқни тўлайдиган корхоналарда (СК 463-м. 1-к.) даромад сифатида қаралмайди.

III қадам

Қўшимча ҳиссалар киритиладиган муддат тугаган кундан эътиборан 1 ойдан кенчиктирмай жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказинг, унда қуйдагилар тўғрисида қарор қабул қилинган:

- Уфга жами қўшимча ҳиссаларни тасдиқлаш;
- таъсис ҳужжатларига УФ миқдорини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиришлар киритиш.

IV қadam

Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши томонидан таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиришлар тасдиқланган кундан бошлаб 30 кун мобайнида рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этинг:

- иштирокчилар умумий йиғилишининг жами қўшимча ҳиссаларни тасдиқлаш ва таъсис ҳужжатларига УФ миқдорини кўпайтиришга оид ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарори

баённомаси (ягона муассиснинг қарори);

- давлат тилидаги таъсис ҳужжатлари;
- жамият иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар ва учинчи шахслар томонидан тўла миқдордаги ҳиссалар киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ёки банк тўлов ҳужжатининг нусхаси (66-сон Низомнинг 21, 32-моддалари).



Жамият иштирокчилари ва учинчи шахслар учун таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришлар улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга киради.

ВАЗИЯТ. Муассислар томонидан қўшимча ҳиссалар киритилди, бироқ устав фондининг кўпайтирилганлиги рўйхатдан ўтказилмади

МЧЖ муассислари устав фондига қўшимча ҳиссаларни ўз вақтида киритдилар. Бироқ жами қўшимча бадаллар тасдиқланмади, устав фондининг кўпайтирилиши рўйхатдан ўтказилмади.

Ҳиссалар муассисларга қайтарилди.

Қандай солиқ оқибатлари юзага келиши мумкин?

- Уфга киритилган ҳиссалар жамият даромади ҳисобланмайди. Бироқ УФ кўпайтирилиши рўйхатдан ўтказилмаган.

Шу боис олинган суммалар солиқ органлари томонидан фойсиз қарз деб эътироф этилиши хатари мавжуд. Фойсиз қарз суммаларидан фойдаланилганда қарз олувчида бепул олинган мол-мулкдан (пул маблағларидан) фойдаланиш ҳуқуқи тарзидаги даромадлар юзага келади. Улар фойда солиғини (СК 297-м. 3-қ. 10-б.) ва айланмадан олинандиган солиғини (СК 463-м. 1-қ.) ҳисоблашда жами даромадга қўшилади.

Фойсиз қарз олинганда солиқ солиш мақсадларида қарз олувчининг даромади ЎзР МБнинг қарз олинган санада белгиланган қайта молпялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади (СК 299-м. 4-қ.).

V қadam

Давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин УФ кўпайтирилганини 8330-«Пай ва ҳиссалар» счётида акс эттиринг.

Қўшимча ҳиссалар тўлиқ киритилмагандан қандай йўл тутиш керак

Ҳиссаларни киритиш муддати тугаган ва бир ёки бир неча иштирокчилар томонидан қўшимча ҳиссалар тўлиқ ёки қисман киритилмаган бўлса, умумий йиғилиш қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақлидир:

1) дастлаб қабул қилинган қўшимча ҳиссаларнинг умумий миқдорини амалда киритилган бадаллар миқдорига чамайтириш. Бунда жамият иштирокчилари томонидан амалда киритилган қўшимча ҳиссаларни ҳисобга олган ҳолда жамият иштирокчиларининг улушларига тегишли ўзгартиришлар киритилади;

2) дастлаб қабул қилинган қўшимча ҳиссаларнинг умумий миқдорини УФни кўпайтириш тўғрисидаги аввалги йиғилиш қарорига белгиланган жамият иштирокчиларининг улушини сақлаб қолишга имкон берадиган миқдорга чамайтириш.

Иккинчи ҳолатда жамият 10 кун муддат ичида жамият иштирокчиларига аввалги йиғилиш қарорига белгиланган уларнинг устав фондидаги улушидан ортиқча киритилган пул маблағларининг бир қисмини қайтариб бериши шарт.

МИСОЛ. Уфни кўпайтириш бўйича қўшимча ҳиссалар тўлиқ келиб тушмаган

МЧЖ устав фонди 60 000 минг сўмини ташкил этади, унда улушлар қуйидагича тақсимланади:

Муассис	Устав фондидаги улуш	Устав фондидаги улуш миқдори (минг сўм)
«Баҳор» МЧЖ	50%	30 000
жисмоний шахс Норматова Т.В.	25%	15 000
жисмоний шахс Норматов Р.М.	25%	15 000

Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан муассислар улушига мутаносиб равишда 40 000 минг сўмлик қўшимча ҳиссаларни киритиш орқали устав фондини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди:

Муассис	Қўшимча улуш (минг сўм)	Кўпайтирилганидан кейин устав фондидаги улуш	Кўпайтирилганидан кейин устав фондидаги улуш миқдори (минг сўм)
«Баҳор» МЧЖ	20 000	50%	50 000 (30 000 + 20 000)
жисмоний шахс Норматова Т. В.	10 000	25%	25 000 (15 000 + 10 000)
жисмоний шахс Норматов Р. М.	10 000	25%	25 000 (15 000 + 10 000)

МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомасида белгиланган қўшимча ҳиссалар киритиш муддати тугашига келиб амалда киритилган бадаллар қуйидагиларни ташкил этган:

Муассис	Киритилиши лозим эди (минг сўм)	Амалда киритилган (минг сўм)
«Баҳор» МЧЖ	20 000	20 000
жисмоний шахс Норматова Т. В.	10 000	5 000
жисмоний шахс Норматов Р. М.	10 000	5 000

Мазкур ҳолатда умумий йиғилиш 2 та қарордан бирини қабул қилишга ҳақли.

1. Жамият иштирокчиларининг устав фондидаги улушига тегишли ўзгартиришлар киритиш билан амалда киритилган қўшимча ҳиссаларни ҳисобга олиш.

Бунда УФнинг янги миқдори 90 000 минг сўми (60 000 + 20 000 + 5 000 + 5 000) ташкил этади, ундаги улушлар қуйидагича тақсимланади:

Муассис	Устав фондидаги улуш	Устав фондидаги улуш миқдори (минг сўм)
«Баҳор» МЧЖ	55,56%	50 000 (30 000 + 20 000)
жисмоний шахс Норматова Т. В.	22,22%	20 000 (15 000 + 5 000)
жисмоний шахс Норматов Р. М.	22,22%	20 000 (15 000 + 5 000)

2. Муассисларнинг қўшимча ҳиссаларини УФни кўпайтириш тўғрисидаги аввалги йиғилиш қарорига белгиланган жамият иштирокчиларининг улушини сақлаб қолишга имкон берадиган миқдорда ҳисобга олиш. Қўшимча ҳиссаларнинг қолган ўсмини муассисларга қайтариш.

Устав фондининг янги миқдори 80 000 минг сўми (60 000 + 10 000 + 5 000 + 5 000) ташкил этади, ундаги улушлар қуйидагича тақсимланади:

Муассис	Устав фондидаги улуш	Устав фондидаги улуш миқдори (минг сўм)
«Баҳор» МЧЖ	50%	40 000 (30 000 + 10 000)
жисмоний шахс Норматова Т. В.	25%	20 000 (15 000 + 5 000)
жисмоний шахс Норматов Р. М.	25 %	20 000 (15 000 + 5 000)

«Баҳор» МЧЖ 10 кун муддат ичида 10 000 минг сўми (20 000 - 10 000) қайтариши лозим.

Қандай ҳолатларда устав фонди кўпайтирилмаган деб эътироф этилади

Қуйидаги ҳолатларда МЧЖ устав фонди кўпайтирилмаган деб ҳисобланади:

- қўшимча ҳиссалар киритиш муддати тугаган кундан бошлаб бир ой мобайнида муассислар томонидан уларни тасдиқлаш ва таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинмаганда;

- жами киритилган қўшимча ҳиссалар тасдиқлангандан кейин бир ой мобайнида ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилмаганда;

- барча иштирокчилар томонидан қўшимча ҳиссалар тўлиқ киритилмаганда;

- қўшимча ҳиссалар киритиш белгиланган муддат тугаган қўшимча ҳиссалар тўлиқ киритилмаган тақдирда уларни камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинмаганда.

Бунда жамият 10 кун муддатда жамият иштирокчиларига улар киритган қўшимча пул маблағларини қайтариши шарт.

Устав фондини кўпайтириш бўйича қўшимча ҳиссалар қандай ҳисобга олинади

Таъсис ҳужжатларига киритилгандан ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар киритилган қўшимча ҳиссалар бўйича муассислар олдидаги мажбуриятларни 6630-«Устав капиталини кўпайтириш бўйича муассисларнинг улушлари»

Пул маблағлари ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда, жамият учинчи шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланганлиги учун фоизларни тўлаши шарт (ФКнинг 327-м.). Фоизлар миқдорини МБнинг пул маблағлари қайтарилган кундаги қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқлан.

Жамият нақд пулсиз шаклда ҳисса киритган жамият иштирокчиларига 3 ойлик муддатда уларнинг ҳиссаларини қуйидаги шаклларда қайтариши шарт:

- киритилган шаклда;
- ёки уларнинг розилиги билан пул шаклида.

Ҳиссалар ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда, қўшимча ҳисса сифатида киритилган мол-мулкдан фойдаланиш имкони мавжуд бўлмаганлиги туфайли бой берилган фойда жамият томонидан қолганини лозим.

счётининг кредити бўйича корхона мол-мулкни ҳисобга олувчи тегишли счётлар билан корреспонденцияда ҳисобга олинг.

Таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказилган санада устав фонди кўпайтирилган суммани 8330-«Пай ва улушлар» счётининг кредити бўйича акс эттиринг.

Бухгалтерия ҳисоби:

Ҳужалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит
Қўшимча ҳиссалар киритилди	Мол-мулкни ҳисобга олувчи счётлар	6630-«Устав капиталини кўпайтириш бўйича муассисларнинг улушлари»
Таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида устав фонди миқдори кўпайтирилди	4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»	8330-«Пай ва улушлар»
Илгари киритилган қўшимча ҳиссалар ҳисобга олинди	6630-«Устав капиталини кўпайтириш бўйича муассисларнинг улушлари»	4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»

МИСОЛ. Устав фондини ошириш бўйича қўшимча ҳиссаларни ҳисобга олиш

2 нафар жисмоний шахс МЧЖ муассислари ҳисобланади, уларнинг ҳар бири корхона устав фондида 50%дан улушга эга.

Улар устав фондини 160 000 минг сўмлик умумий суммасига кўпайтиришга қарор қилдилар:

- биринчи муассис 80 000 минг сўмлик миқдордаги пул маблағларини киритади;

III. ОДАТДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТЛАР

1-ВАЗИЯТ

Ўриндош ходим даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмида назарда тутилган имтиёзга эга ўриндош ходимга январь ойида 800 000 сўм, февраль-март ойларида эса 850 000 сўмдан иш ҳақи тўланган.

□ Солиқ имтиёзини қўллаш солиқ тўловчининг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, асосий иш жойи мавжуд бўлмаган тақдирда эса - яшаш жойидаги солиқ органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади (Солиқ кодексининг 380-моддаси 5-қисми).

Январь-март ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:

$2\,500\,000 \times 12\% = 300\,000$ сўмга тенг.

Январь-февраль ойларида 198 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Март ойи учун солиқ суммаси 102 000 сўмга (300 000 – 198 000) тенг.

Январь-март ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 2 500 сўмни (2 500 000 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-февраль ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 1 650 сўмни, март ойида эса 850 сўмни (2 500 – 1 650) ташкил этган.

Март ойи учун бюджетга 101 150 сўм (102 000 – 850) солиқ ўтказилади.

Солиқ ушланганидан кейин ходим 748 000 сўм (850 000 – 102 000) иш ҳақи олади.

2-ВАЗИЯТ

Юридик шахсга турар жойни ижарага берувчи ходимнинг даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби

Ходимнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромади январь ойи учун 1 100 000 сўмни, февраль-март ойлари учун эса 1 200 000 сўмни ташкил этган. Ходим Тошкент шаҳрида жойлашган, майдони 50 кв.м бўлган турар жой биносини 1 январдан бошлаб ижарага берини тўғрисида иш берувчи билан шартнома тузди ва ҳар ойида 1 500 000 сўм ижара ҳақи олади.

□ Жисмоний шахсларнинг турар жойни ижарага топширишдан оладиган даромадларига солиқ солиш ижара (ёллаш) шартномасида назарда тутилган тўловдан келиб чиқиб амалга оширилади, бироқ у турар жойни ижарага берадиган жисмоний шахслар учун белгиланган энг кам ижара ҳақи ставкаларидан ҳисоблаб чиқарилган миқдордан кам бўлмаслиги керак (9.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон Қонунга 12-илова).

□ Тошкент шаҳрида бир ойлик ижара тўловининг энг кам миқдори.ётиб 1 кв.м турар жой учун 12 000 сўм; Нукус ва вилоят бўйсунувидagi шаҳарларда – 7 500 сўм; бошқа аҳоли пунктларида – 3 500 сўм белгиланган.

□ ШЖБПҲга бадаллар иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича бажарилган ишлар учун олинган даромадлардан ҳисоблаб ёзилади. Ижара ҳақи тарзидаги даромадлар мулкий даромад бўлганлиги ва ишлар бажариш билан боғлиқ бўлмаганлиги боис, ундан ШЖБПҲга ажратмалар қилинмайди.

Ижара ҳақидан ЖШДС суммасини ҳисоблаймиз. Мазкур ҳолатда энг кам ижара ҳақи суммаси 600 000 сўмни (12 000 x 50) ташкил этади, у ҳақиқатдаги ижара ҳақидан камлиги боис шартномада назарда тутилган суммадан солиқ ҳисобланади:

$1\,500\,000 \times 12\% = 180\,000$ сўм.

Январь-март ойлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромаддан солиқни ҳисоблаймиз:

$3\,500\,000 \times 12\% = 420\,000$ сўм.

Январь-февраль ойларида 276 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Март ойи учун солиқ суммаси 144 000 сўмга (420 000 – 276 000) тенг.

ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 3 500 сўмни (3 500 000 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-февраль ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 2 300 сўмни, март ойи учун 1 200 сўмни (3 500 – 2 300) ташкил этади.


Март ойи учун бюджетга 142 800 сўм (144 000 – 1 200) солиқ ўтказилади.

Солиқ ушлаб қолинганидан кейин ходимга 2 376 000

сўм (1 200 000 + 1 500 000 – 144 000 – 180 000) иш ҳақи тўланади.



Ҳисоб-китоб услубиятини экспертизимиз Муҳиддин ЗАЙНУДДИНОВ тайёрлади.



2020 ЙИЛНИНГ МАРТ ОЙИ УЧУН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ВА МАЖБУРИЙ БАДАЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ УСЛУБИЯТИ*

Март ойида иш соатлари сони:

5 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – 167;

6 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – 160;

36 соатлик иш ҳафтасида – 142.

Иш кунлари сони:

5 кунлик иш ҳафтасида – 21;

6 кунлик иш ҳафтасида – 24.

- Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахсларнинг барча даромадларига (дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлардан ташқари) 12%лик ставка бўйича солиқ солинади (Солиқ кодексининг 381-моддаси).
- 2019 йил 1 сентябрдан меҳнатга оид муносабатлар соҳасида қўллаш учун ЭКИҲ ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲЭKM) жорий этилди. Январь ойида МҲЭKM 634 880 сўмни (3.12.2019 йилдаги УРҚ-586-сон Қонуннинг 41-моддаси; 21.05.2019 йилдаги ПФ-5723-сон Фармоннинг 1-банди), 1 февралдан – 679 330 сўмни (30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555-сон қарорнинг 7-банди) ташкил этади.
- 2020 йилда фуқароларнинг ШЖБПҲга мажбурий ойлик бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромад) солиқ солинадиган суммасининг 0,1%ини ташкил этади (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорнинг 5-банди).
- Ҳисоблаб чиқарилган ЖШДС суммаси жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган мажбурий ойлик бадаллар суммасига камайтирилади (Солиқ кодексининг 385-моддаси 7-қисми).

I. АНЪАНАВИЙ ҲИСОБ-КИТОБ

Ходимга январь ойида 1 100 000 сўм, февраль-март ойларида эса – 1 170 000 сўмдан иш ҳақи тўланган. Январь-март ойларида жами даромади – 3 440 000 сўм (1 100 000 + 1 170 000 x 2).

Олинган даромадга 12%лик ставка бўйича солинадиган солиқ:

$3\,440\,000 \times 12\% = 412\,800$ сўмга тенг.

Январь-февраль ойларида 272 400 сўм ушлаб қўлинган. Март ойи учун солиқ суммаси 140 400 сўмга (412 800 – 272 400) тенг.

Январь-март ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 3 440 сўмни ($3\,440\,000 \times 0,1\%$) ташкил қилади.

Январь-февраль ойлари учун ШЖБПҲга 2 270 сўм ўтказилган, март ойи учун ажратмалар 1 170 сўмни (3 440 – 2 270) ташкил этади.

Март ойи учун бюджетга 139 230 сўм (140 400 – 1 170) ўтказилади.

ЖШДС ва мажбурий бадаллар ушланганидан кейин ходимга 1 029 600 сўм (1 170 000 – 140 400) тўланади.

*Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ ва бошқа мажбурий бадалларнинг ҳисоб-китоби услубияти январь ойи учун «СБХ»нинг 28.01.2020 йилдаги 4 (1328)-сонида, февраль ойи учун 25.02.2020 йилдаги 8 (1332)-сонида чоп этилган.

II. ИМТИЁЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА

1-ВАЗИЯТ

Даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланадиган имтиёз қўлланилган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг январь ойидаги меҳнат ҳақи 1 800 000 сўми, февраль-март ойларида эса – 1 920 000 сўмини ташкил қилди. Январь-март ойлари учун жами даромад – 5 640 000 сўм ($1\,800\,000 + 1\,920\,000 \times 2$).

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган икки ва ундан ортқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жами даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Солиқ солинадиган даромадни ҳисоб-китоб қиламиз:

$5\,640\,000 - (634\,880 \times 1,41) + (679\,330 \times 1,41) = 2\,829\,108,6$ сўмга тенг.

Январь-март ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

$2\,829\,108,6 \times 12\% = 339\,493,03$ сўм.

Январь-февраль ойларида 224 035,67 сўм солиқ ушлаб қолинган. Март ойи учун солиқ суммаси 115 457,36 сўмга ($339\,493,03 - 224\,035,67$) тенг.

Январь-март ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 2 829,11 сўмини ($2\,829\,108,6 \times 0,1\%$) ташкил қилади.

Январь-февраль ойларида ШЖБПҲга 1 866,96 сўм ўтказилган, март ойи учун ажратмалар 962,15 сўмини ($2\,829,11 - 1\,866,96$) ташкил қилади.

Бюджетга 114 495,21 сўм ($115\,457,36 - 962,15$) ЖШДС ўтказилади.

Ходим қўлига 1 804 542,64 сўм ($1\,920\,000 - 115\,457,36$) иш ҳақи олади.

2-ВАЗИЯТ

Даромад имтиёз суммасидан кам бўлганда ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг меҳнатига январь ойида 800 000 сўм, февраль-март ойларида эса – 850 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь-март ойлари учун жами даромад – 2 500 000 сўм.

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган икки ва ундан ортқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жами даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Январь-март ойлари учун солиқ солинмайдиган даромад миқдорини ҳисоблаймиз:

$((634\,880 \times 1,41) + (679\,330 \times 1,41) \times 2) = 2\,810\,891,4$ сўм.

Ходимнинг даромади (2 500 000 сўм) имтиёз суммасидан (2 810 891,4 сўм) кам бўлганлиги сабабли январь-март ойлари учун солиқ ҳисобланмайди.

Солиқ солинадиган даромад мавжуд бўлмаганлиги учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар тўланмайди.

Ходим қўлига 850 000 сўм иш ҳақи олади.

3-ВАЗИЯТ

Моддий ёрдам олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби

Ходимнинг меҳнатига январь ойи учун 1 400 000 сўм, февраль-март ойларида эса 1 500 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь ойида унга фарзандли бўлганлиги муносабати билан 2 800 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган.

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига кўра бир йил давомида МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача миқдорда бериладиган қуйидаги моддий ёрдам суммаларига: вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар; ходимга меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар; бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан бериладиган тўловлар; қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловларга ЖШДС солинмайди.

Имтиёз миқдорини ҳисоблаймиз:

$(634\,880 \times 4,22) = 2\,679\,193,6$ сўм.

Солиқ солинадиган даромад 4 520 806,4 сўмга ($1\,400\,000 + 2\,800\,000 - 2\,679\,193,6 + (1\,500\,000 \times 2)$) тенг.

Январь-март ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

$4\,520\,806,4 \times 12\% = 542\,496,77$ сўм.

Январь-февраль ойларида 362 496,77 сўм солиқ ушлаб қолинган. Март ойида солиқ суммаси 180 000 сўмини ($542\,496,77 - 362\,496,77$) ташкил этади.

ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 4 520,81 сўми (4 520 806,4 x 0,1%) ташкил этади.
Январь-февраль ойларида ШЖБПҲга ажратмалар 3 020,81 сўми, март ойида 1 500 сўми (4 520,81 – 3 020,81) ташкил этади.
Март ойи учун бюджетга 178 500 сўм (180 000 – 1 500) ЖШДС ўтказилади.
Ходим 1 320 000 сўм (1 500 000 – 180 000) иш ҳақи олади.

4-ВАЗИЯТ

Қимматбаҳо совға олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби

Ходимнинг меҳнатига январь ойида 1 500 000 сўм, февраль-март ойларида эса 1 600 000 сўм иш ҳақи тўланган. Унга январь ойида 2 000 000 сўмлик машиний техника совға қилинди.

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра бир йил мобайнида юридик шахслардан МҲЭКМнинг 2,11 баравари миқдоригача бўлган суммада олинган совғаларнинг қийматига солиқ солинмайди (634 880 x 2,11 = 1 339 596,8 сўм).

Солиқ солинадиган даромад 5 360 403,2 сўмга (1 500 000 + 2 000 000 – 1 339 596,8 + (1 600 000 x 2)) тенг.

Январь-март ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

5 360 403,2 x 12% = 643 248,38 сўм.


Январь-февраль ойларида 451 248,38 сўм солиқ ушлаб қолинган. Март ойида солиқ суммаси 192 000 сўми (643 248,38 – 451 248,38) ташкил этади.

Январь-март ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 5 360,4 сўмга (5 360 403,2 x 0,1%) тенг.

Январь-февраль ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 3 760,4 сўми, март ойида 1 600 сўми (5 360,4 – 3 760,4) ташкил этди.

Март ойида бюджетга 190 400 сўм (192 000 – 1 600) ЖШДС ўтказилади.

Ходим кўлига 1 408 000 сўм (1 600 000 – 192 000) иш ҳақи олади.



5-ВАЗИЯТ

Бир нечта имтиёзни ҳисобга олган ҳолда (ҳар ойда даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг суммани чегириш, моддий ёрдам ва қимматбаҳо совға олинганда) ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддасига кўра имтиёзга ҳақли бўлган ходимга январь ойида 1 500 000 сўм, февраль-март ойларида эса 1 600 000 сўм иш ҳақи тўланган. Январь ойида унга никоҳдан ўтиши муносабати билан 3 000 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган ва 2 000 000 сўмлик қийматга эга совға топширилган.

Қуйидагиларга мувофиқ:

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимнинг солиқ солинадиган даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма ((634 880 x 1,41) + (679 330 x 1,41 x 2)) = 2 810 891,4 сўм) чиқариб ташланади;

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига мувофиқ МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача (634 880 x 4,22 = 2 679 193,6 сўм) миқдорда бериладиган моддий ёрдам суммасига ЖШДС солинмайди;

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра юридик шахслардан бир йил мобайнида МҲЭКМнинг 2,11 баравари (634 880 x 2,11 = 1 339 596,8 сўм) миқдоригача олинган совғаларнинг қийматига ЖШДС солинмайди.

Солиқ солинадиган даромадани аниқлаймиз:

4 700 000 – 2 810 891,4 + 3 000 000 – 2 679 193,6 + 2 000 000 – 1 339 596,8 = 2 870 318,2 сўм.

Январь-март ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:

2 870 318,2 x 12% = 344 438,18 сўм.

Январь-февраль ойларида 267 380,8 сўм солиқ ушлаб қолинган. Март ойида солиқ суммаси 77 057,38 сўми (344 438,18 – 267 380,8) ташкил этади.

ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 2 870,32 сўми (2 870 318,2 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-февраль ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 2 228,17 сўми, март ойида 642,15 сўми (2 870,32 – 2 228,17) ташкил этади.

Бюджетга 76 415,23 сўм (77 057,38 – 642,15) солиқ ўтказилади.

Ходим кўлига 1 522 942,62 сўм (1 600 000 – 77 057,38) олади.

ОШИБ КЕТСА – ЯБТ ТЎЛАЙСИЗ

? Қизим оиласи билан Дубайда яшайди. Баҳорда уларникига меҳмонга бормоқчимиз. Қизим бизга энг сўнги русумдаги телевизорни совга учун харид қилмоқчи. Ўзбекистонга қайтишимизда аэропорт божхонасида муаммо бўлмайми? Бирор-бир солиқларни тўлаш керакми?

– Ўзбекистон Республикасининг халқаро аэропортлари орқали божхона чегараларини кесиб ўтаётганда жисмоний шахслар томонидан божхона тўловларини тўламасдан республикага олиб кириладиган товарларнинг чекланган миқдори 2 000 АҚШ доллари қийматида белгиланган (6.02.2018 йилдаги ПҚ-3512-сон қарорнинг 1-банди). Бу шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган хадяларнинг умумий қиймати юқорида кўрсатилган лимитдан ошмаса, божхона тўловлари ундирилмайди, деганидир.

Божхона тўловлари ундирилмайдиган чекланган меъёрдан ортган ва тадбиркорлик фаолияти учун мўлжалланмаган товарлар олиб кирилганда божхона тўловлари фақат ортган суммадан тўланади.

2020 йил 1 январдан ягона божхона тўловини

(ЯБТ) тўлашни назарда тутувчи божхона тўловларини ундиришнинг соддаштирилган тартиби жорий этилди. ЯБТ божхона тўловлари ундирилмайдиган товарларни жисмоний шахслар томонидан республикага олиб киришнинг чекланган меъёрларидан ортган қисмида ундирилади. Унинг ставкаси товарнинг божхона қийматидан 30%, лекин ҳар бир кг учун 3 АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда белгиланган. Бунда ставкаларнинг миқдорлари божхона божлари, акциз солиғи ва ҚҚСнинг амалда белгиланган ставкаларининг йиғилмасидан келиб чиқиб ҳисобланади (7.11.2019 йилдаги ПҚ-4508-сон қарор).

Хатингизда телевизорнинг маркаси, техник тавсифларини кўрсатмаганингиз сабабли унинг ЯБТни ҳисоблаб чиқишнинг имконияти йўқ.

Диққат! Товар учун тўланган суммани тасдиқлаш учун савдо ташиқлотидан уларнинг кафолат талонлари, техник паспортларида белгилар ва товар тўғрисида идентификация қилувчи ҳужжатлардаги маълумотларни талаб қилиш керак. Мазкур ҳужжатларга қўшимча равишда касса чекиннинг мавжуд бўлиши етарли бўлади. Лекин кўпинча чек айнан шу товарга тегишли эканлигини исботлаш қийин бўлади, айниқса товарга унинг номи ёзилмаган ҳолларда исботлаш қийин. Шунинг учун сотувчи ташиқлотларнинг белгиси бўлишини назарда тутмайдиган товарларни харид қилаётганда ҳамда чекка қўшимча тарзда бирор-бир идентификация қилувчи ҳужжатларни тақдим этиб бўлмаганда товар чекини ёзиб беришларини талаб қилинг.

РЕСПУБЛИКАДА РЕАЛИЗАЦИЯ
ҚИЛИНГАНДА ИМТИЁЗЛАР САҚЛанаДИ

? 2016 йилнинг августида Рўйхатга (АВ томонидан 2436-сон билан рўйхатдан ўтказилган) биноан божхона божси ва ҚҚС тўлашдан озод этилиш имтиёзи асосида асбоб-ускунани харид қилдик.

Асбоб-ускуна янги ҳисобланадими? Унга нисбатан имтиёз ҳозиргача амал қиладими?

Вазият қуйидагича: асбоб-ускунани янгиламоқчимиз, 2016 йилда импорт қилинганини эса анча-кин паст нархларда хусусий корхонага сотиб юбормоқчимиз.

Импорт қилинган товар сотилган тақдирда, биз тўлашдан озод этилган тўловларни тўлашимиз керак бўлмайми?

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва кўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига (АВ томонидан 20.03.2013 йилда 2436-сон билан рўйхатдан ўтказилган) изохда «янги технологик ускуна» деган тушунча келтирилган. Бу «Эркин муомалага чиқариш» божхона режимида божхона расмийлаштируви вақтида, унинг ишлаб чиқарилганига 3 йилдан кўп бўлмаган технологик ускунадир. Ундан фойдаланиш далили бунга таъсир кўрсатмайди, ускунанинг янгилиги кузатув ҳужжатлари бўйича белгиланади. Масалан, импорт режимида расмийлаштиришда олиб кирилатган технологик асбоб-ускунанинг ишлаб чиқарилган йили ишлаб чиқарувчи заводнинг ускунанинг ишлаб чиқариш йили кўрсатилган техник паспорт билан ёхуд ишлаб чиқарувчининг ускуна у томондан ишлаб чиқарилганлиги тўғрисидаги, шу жумладан ишлаб чиқарилган сана ҳақидаги тегишли ахборотга эга бўлган ҳужжат билан тасдиқланади.

Бундай асбоб-ускунани реализация қилиш тартиби Маблағларни инвестицияга йўналтирувчи юридик шахслар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (АВ 25.08.2017 йилда 2918-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 3-бобида белгиланган.

Божхона имтиёзларини қўллаган ҳолда импорт қилинган технологик жиҳоз олиб кирилган пайдан эътиборан 3 йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган тақдирда, божхона тўловлари бўйича имтиёзларнинг амал қилиши бекор қилинади. Тўланиши лозим бўлган тўловларни тўлаш бўйича мажбурият асбоб-ускунани экспорт қилувчига юклатилади. Экспорт қилувчи божхона органларига технологик жиҳозни импорт қилишда божхона расмийлаштируви амалга оширилган БЮДнинг кўчирма нусхасини тақдим этиши лозим.

Божхона имтиёзларини қўллаган ҳолда импорт қилинган технологик асбоб-ускуна Ўзбекистон ҳудудига реализация қилинган ёки бепул берилган тақдирда, божхона тўловларини тўлаш бўйича мажбуриятлар юзага келмайди. Бунда импорт қилинган технологик асбоб-ускунани бераётган томон (импорт қилувчи, сотувчи, эгаси) харидорга асбоб-ускунани импорт қилишда божхона расмийлаштируви амалга оширилган БЮДнинг кўчирма нусхасини тақдим этиши лозим.

Низомда белгиланган имтиёзларнинг тўғри қўлланиши устидан назоратни Солиқ кодексига мувофиқ солиқ органлари амалга оширади.

«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

✉ ПОЧТА КЎТИСИ

ПОСИЛКАЛАР
УЧУН МЕЪЁРЛАР

? Божхона тўловларини тўламаган ҳолда интернет-дўкон орқали буюртма бериб, қанча суммадаги товарларни посилкаларда олиш мумкин?

Улар мустақил равишда багажда олиб кирилганда суммалар бир хил бўладими?

Буюртманинг суммаси мазкур меъёрлардан ошиб кетганда божхонада солиқлар қандай тўланади?

– Халқаро почта жўнатмаларида жисмоний шахсларнинг номига келган товарларга, агар уларнинг қиймати 100 АҚШ долларидан ошмаса, божхона тўловлари солинмайди.

Жисмоний шахс томонидан божхона тўловлари ундирилмасдан республикага олиб кириладиган товарларнинг чекланган меъёрлари жисмоний шахс Ўзбекистон божхона чегарасини кесиб ўтаётган транспорт воситасининг туридан келиб чиқиб, ҳар хил бўлади. Жисмоний шахслар божхона тўловларини тўламаган ҳолда шахсий фойдаланиш учун республикага халқаро аэропортлар орқали умумий қийматда 2 000 АҚШ долларилик товарларни олиб киришлари мумкин. Темир йўл ва дарё ўтказиш пунктлари орқали ўтганда – 1 000 АҚШ доллари чегарасида. Божхона чегарасини автомобиль йўллар (пидеа) ўтказиш пунктлари орқали кесиб ўтаётганда – 300 АҚШ долларида ортиқ бўлмаган суммадаги товарларни олиб ўтиш мумкин.

Агар жисмоний шахс товарларни юқорида айтиб ўтилган меъёрларда олиб кирса, уларни ёзма равишда декларациялаши шарт эмас, бундан халқаро почта жўнатмалари мустасно (6.02.2018 йилдаги ПҚ-3512-сон қарорнинг 1-банди).

Маълумот учун. ПҚ-3512-сон қарорга 1-иловада жисмоний шахслар томонидан божхона тўловлари ундирилмайдиган товарлар алоҳида (ақиз солиғи солинадиган) турларининг республикага олиб кириладиган меъёрлари кўрсатилган: алкоғолли маҳсулотлар, шу жумладан тиво – 2 литрдан кўп эмас; барча турдаги тамаки маҳсулотлари – 10 қутидан кўп эмас; атир ва ифрон таратувчи сувлар – 3 бирлиқдан кўп эмас; қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари – умумий оғирлиги 65 граммдан кўп эмас. Уларнинг қиймати жисмоний шахслар томонидан божхона тўловлари ундирилмасдан олиб кириладиган товарларнинг чекланган меъёрларига киритилади.

Божхона тўловлари ундирилмайдиган чекланган миқдордан ортган ва тадбиркорлик фаолияти учун мўлжалланмаган товарлар олиб кирилганда божхона тўловлари фақат ортган қисмидан тўланади.

Чекланган меъёрлардан ортган суммадан ТИФ ТН кодидан ва келиб чиқиб мамлакатидан қатъи назар, товарларнинг барча тоифалари бўйича божхона қийматидан келиб чиққан ҳолда божхона қийматидан 30 фоз, лекин ҳар бир кг учун 3 АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда ягона божхона тўлови (ЯБТ) ундирилади.

Нотижорат максидидаги товарларни декларациялашда жисмоний шахс ЯБТни божхона кирим ордери асосида тўлайди. Нотижорат максидидаги товарларга нисбатан кирим ордерини божхона органнинг мансабдор шахси тўлдиради ва ҳисоблаб ёзади (7.11.2019 йилдаги ПҚ-4508-сон қарор).

КОРОНАВИРУС ВАҲИМАСИГА ҲОЖАТ ЙЎҚ: ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИ ВА ИМПОРТИ ТЎХТАМАЙДИ

✓ ДУНЁ НАФАСИ

1-бетда
Чунончи, корона-вирус инфекцияси-га қарши курашиш бўйича олиб борилаётган чоралар ташқи савдо юклари, хусусан юк автомобиллари, авиа, темир йўл, дарё транспортлари ҳаракатига таъсир кўрсатмайди.

Хавfli инфекциянинг ёйилиши оқибатида мамлакатлар иқтисодиёти кўриши мумкин бўлган зарарлар ҳақида турли башоратлар қилинмоқда. Бундай вазиятларда аниқ далилларга асосланмаган тахминлар жамоатчиликнинг ижтимоий фикрини нотўғри ўзанга буриб юбориши ҳеч гап эмас.

Республикамизда ҳам корона-вирус билан боғлиқ айрим чекловлар белгиланганидан сўнг товарлар экспорт-импорти тўхтатиб қолиши ҳақида хавотирли фикрлар билдирилди бошланган эди. Аммо бу хавотирларда ҳеч қандай асос йўқлигини бугунги реал воқелик кўрсатиб турибди.

Президентимиз 18 март куни маҳалла ва оила масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида бугунги кунда республикада озиқ-овқат ва бошқа кундалик истеъмол маҳсулотларининг нархи ошиб кетмаслиги учун барча чоралар кўрилатгани таъкидланди. Мамлакатимизда озиқ-овқат, энг зарурий ва бирламчи маҳсулотлар захираси етарли даражада мавжудлиги, хавотир ёки ваҳимага тушишга ҳеч қандай асос йўқлиги айтилди.

Коронавирус пандемиясининг бу-

тун дунё мамлакатлари қатори бизнинг иқтисодиётимизга ҳам салбий таъсири бўлиши табиий. Лекин, бу мамлакатимизда товарлар экспорти ва импортида узилишлар бўлади дегани эмас.

Экспорт-импорт жараёнлари аввалгидек узлуксиз давом этар экан, ички бозорларда аҳолининг энг муҳим зарурий ва бирламчи товарларга бўлган эҳтиёжи мунтазам қондирилади.

Айни пайтда республикаимизнинг ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида одатдагидек иш фаолияти гавжум тарзда давом этмоқда, товарларнинг экспорти ва импорти билан боғлиқ божхона тартиб-таомиллари ҳеч қандай чекловларсиз амалга оширилмоқда.

Чегара-божхона постларида эса жисмоний шахсларнинг божхона чегаралари орқали ўтишларига нисбатан чекловлар жорий этилган. Лекин юк автотранспорт воситалари орқали товарларни олиб кираётган ёки олиб чиқаётган ташувчиларга нисбатан бу чекловлар татбиқ этилмаган.

Чегара ўтказиш ҳудудларида юк ташувларини амалга ошираётган шахслар ва уларнинг транспорт воситалари тегишли тартибда текширувлардан ўтказилиб, республикаимиз орқали ҳаракатланишига рухсат берилмоқда.

Дарвоқе, Давлат божхона кўмитасида республикаимиздаги барча чегара-божхона постларини бир вақтнинг ўзида кузатиш имконини

берадиган Бош видеокузатув маркази фаолият юритади. Марказдан чегара-божхона постларининг сўнгги тўрт кундаги фаолиятини кузатар эканмиз, экспорт импорт товарлари ортилган юк транспортлари ҳаракатида узилишларга гувоҳ бўлганимиз йўқ.

Аҳоли учун бирламчи энг зарурий озиқ-овқат маҳсулотларининг захираларини ўрганиш учун нафақат божхона омборлари, балки уларни ишлаб чиқарувчи корхона ва заводларда ҳам бўлдиқ. Масалан, энг кўп истеъмол қилинадиган маҳсулотлардан бири бу – ўсимлик ёғи. Тошкент вилоятида жойлашган шу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхонада бўлганимизда у ерда ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотни импорт қилиш параллел равишда олиб борилаётганига гувоҳ бўлдиқ. Бу ерда кунига 60 тоннагача писта ёғи қадокланмоқда. Бунинг учун хом ашё сифатида ҳар ойда ўртача 4 800 тонна кунгабоқар пистаси импорт қилинади.

Рақамларга мурожаат қилсак, 15-19 март кунлари давомида республикаимиз бўйлаб давлат божхона хизмати органлари хориждан келтирилган 13,7 млн АҚШ доллари қийматидаги 35 минг тоннага яқин озиқ-овқат маҳсулотларини импорт божхона режимида расмийлаштири-

ди.
Жумладан:
19 минг тонна картошка,
3 217 тонна ўсимлик ёғи,

4 133 тонна ун,
2 308 тонна шакар,
568 тонна гуруч, гречка ва турли ёрмалар,
439 тонна гўшт,
275 тонна макарон,
305 тонна вафли ва печенье-лар,
269 тонна консерваланган сабзавотлар божхона расмийлаштирувидан ўтказилиб, ички бозорларга йўналтирилган.

Республикаимиздан эса 15-19 март кунлари хорижий давлатларга 79,8 млн АҚШ доллари қийматидаги 80 минг тоннадан ортиқ товарлар экспорт қилинди.

Демак, четдан келтириладиган истеъмол товарлари, хусусан, бирламчи озиқ-овқат маҳсулотларининг импортида узилишлар ва шу сабабли ички бозорда уларнинг танқислиги кузатилмайди деб ишонч билан айта оламиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳукумат қийин аҳволга тушиши мумкин бўлган соҳа ва тармоқларни, йирик корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқади. Бу жараёнда, аввало, молия ва хом ашё бозорини бекарорлик юзага келишига йўл қўймаслик, молиявий барқарорликни сақлаш ҳамда бозорларда нарх-наво ўсишининг олдини олиш учун барча зарур чоралар кўрилади.

Биздан эса бундай паллаларда янада жипслашиб, ваҳима ва саросимага берилмаслик талаб этилмоқда, ҳоло.

Хусан ТАНГРИЕВ,
Давлат божхона кўмитаси
Ахборот хизмати бош инспектори.

ЯШИРИН АЙЛАНМА – ХАВФЛИ «ОПЕРАЦИЯ»

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона органларининг асосий вазифаларидан бири – божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш ҳамда божхонага доир қонун ҳужжатлари бузилишининг, шу жумладан контрабанданинг олдини олиш, уни аниқлаш ва уларга чек қўйишдан иборат.

Мазкур вазифаларни бажариш республика божхона чегаралари орқали ҳаракатланаётган товар ва транспорт воситаларини, шу жумладан халқаро почта орқали юборилаётган почта жўнатмаларини самарали божхона назоратидан ўтказишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни почта жўнатмаларида, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларида жўнатиш тақиқланиши белгиланган.

Қолаверса, 2004 йил 5 октябрда Бухарест шаҳрида имзоланган Халқаро почта жўнатмалари бўйича

Конвенцияга ҳамда Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига (18.04.2011 йилда 2219-сон билан рўйхатдан ўтказилган) асосан, почта жўнатмалари орқали психотроп ва наркотик воситаларининг юборилиши қатъиян тақиқланган.

Лекин шунга қарамай, сўнгги вақтларда таркибида шундай моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини ҳамда наша уруғларини почта орқали жўнатиш ҳолатлари кўпайган. Хусусан, 2019 йил мобайнида 84 ҳолатда 438,3 грамм гиёҳвандлик воситалари ҳамда 17 990 дона психофаол таблеткаларни почтадан жўнатишга бўлган уринишлар аниқланган.

Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддаси билан, яъни

ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ



гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар олиб ўтиш билан боғлиқ ҳолатларда жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлиб, қонунбузарларнинг 10 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилинишига олиб келиши мумкин.

Нодирбек УСМОНОВ,
Тошкент шаҳар божхона бошқармаси
бошлиғи ўринбосари.

<p>СОЛИК 44 ХАБАРЛАРИ БОЖХОНА</p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Хафтада Бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ</p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p> <p>Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p> <p>Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда. Буортма г-315. Адади 810. Газета 2020 йил 23 март соат 18.00 да топширилди.</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p>
--	--	--	---	---